

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ

ЁҚУТХОН ҚАЮМХЎЖАЕВА

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2007

Китобхонлик маданияти-шахснинг ўз куч-қуввати, имкониятлари, қизиқишларини китоб ўқишга сафарбар қилишининг муайян даражасидир. Ўқувчиларда ўз ўқув фаолиятлари давомида китоб ўқиш, уни таҳлил қилиш ва мазкур асар ҳақидаги ўз фикрларини баён этиш каби кўникмалар шаклланади. Китобхонлик маданияти мазкур соҳада ўқувчининг етуклигини ҳам ифодалайди. Китобхонлик маданияти - ривожланган тамаддунлар даврида бутун инсониятга хос бўлган маърифий-таълимий ҳодисадир. У таълим-тарбия натижасида ўқувчида ҳосил қилинадиган кўникмалар, қизиқишлар, ижодий имкониятларни ҳам ифодалайди.

Ушбу китоб ўқитувчилар, мактаб кутубхонаси ходимлари, аспирант ва докторантларга дастуруламал бўлиб хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Масъул муҳаррир:

педагогика фанлари доктори,
профессор ***Р.Ҳ.Жўраев***

Такризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор
А.А.Маврулов

ЎзПФИТИ илмий ходими, педагогика
фанлари номзоди ***Х.А.Умарова***

КИРИШ

«Маданият»-арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан бўлиб, жамият, инсоннинг ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражасидир¹.

Ўзбек халқи азалдан китобхон халқ бўлган. Аجدодларимиз китоб мутолааси билан мунтазам шуғулланганлар. Болаларда жуда ёшлиқдан бошлаб китобхонлик маданияти кўникмалари шакллантирилган. Ўтмишда болаларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ота-оналар, энагалар, мураббийлар зиммасида бўлган. Кўпгина зиёли, маърифатли оилаларда жуда катта миқдордаги китоблар сақланган. Йирик кутубхоналар олимлар ва задогонлар ихтиёрида бўлган. Мадрасаларда ҳам китоб мутолааси билан толиблар изчил шуғулланишган. Бугунги кунда мана шу муқаддас мерос ва қадриятга садоқат сифатида ўқувчиларда мактаб ҳамда кутубхона ҳамкорлигида китобхонлик маданиятини шакллантириш эҳтиёжи вужудга келмоқда.

Баркамол инсон шахсини камол топтириш вазифаси, аслида, кенг қамровли педагогик жараён бўлиб, уни амалга ошириш бир неча йўналишлар бўйича ҳал этилиши зарур. Улардан бири- ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб ҳамда кутубхона ҳамкорлиги натижасида эришиладиган катта педагогик имкониятларни сафарбар қилишдан иборатдир.

Маълумки, ўқувчиларда табиий-илмий, ижтимоий-ғоявий билимлар ва дунёқарашни шакллантириш вазифасини бирон- бир муайян ўқув предметини ўқитиш доирасида амалга ошириш мумкин эмас. Бунинг учун маданий-маърифий ҳамда таълим-тарбия жараёнини уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тизимда мактаб кутубхонаси ўқувчига энг яқин бўлган таълим-тарбия ҳамда маърифат маскани сифатида алоҳида аҳамият касб

¹Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2003.-372-373-бетлар

этади. Шу сабабли ҳам мактаб кутубхоналарининг ўқувчи билан доимо биргалигини эътиборда тутган ҳолда ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқув жараёни ва кутубхона ҳамкорлигини таъминлашга эришиш лозим. Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос қизиқишларини эътиборга олган ҳолда ёндашиш, таълим-тарбиявий ҳамда маърифий таъсир ўтказиш усуллари ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув предметларини муваффақиятли ўрганишлари, уларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик, бадиий ва жисмоний жиҳатдан камолотга эришишлари учун имконият яратиш лозим. Бу имконият мактаб кутубхонасини зарурий адабиётлар билан бойитиб боришда, уларни тарғиб қилиш ҳамда кутубхонанинг ахборот хизмати кўрсатиш ишларида ўз аксини топади. Кутубхона - мактабнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Шу жиҳатдан у ўқув-тарбия жараёнининг барча йўналишларида фаол қатнашиши лозим.

Афсуски, таълим-тарбия тизимида катта имкониятларга эга бўлган мактаб кутубхонасининг тутган ўрни ва унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича муаммолар таълимни ривожлантириш ҳақидаги бир қанча давлат ҳужжатларида ҳам, педагог олимларнинг тадқиқотларида ҳам эътибордан четда қолиб келмоқда. Ушбу муаммони тадқиқ қилиш натижасида маълум бўлдики, мактаб кутубхонасининг таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб билан ҳамкорликдаги имкониятларини белгиловчи ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича алоҳида илмий тадқиқотлар ҳалигача амалга оширилмаган. Шу боисдан ҳам бу мавзунини ўрганиш ижтимоий-педагогик зарурат даражасидаги масала ҳисобланади. Кўринадики, мазкур муаммони тадқиқ қилиш бугунги кунда ўта долзарб муаммолардандир.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб ҳамда кутубхона ҳамкорлигини таъминлаш бўйича алоҳида илмий

асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги куйидаги сабабларга кўра янада долзарб аҳамият касб этмоқда:

- ◆ мазкур мавзуда бугунги кунга қадар махсус педагогик изланишнинг амалга оширилмаганлиги;

- ◆ ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб ҳамда кутубхона ҳамкорлигининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари, методологик асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

- ◆ мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш, уни умумтаълим ва умумтарбиявий фаолиятнинг узвий бўғини сифатида баҳолаб ёндошиш талаб даражасида эмаслиги, мазкур ижтимоий-педагогик институтлар орасида ҳамкорликнинг таъминланмаганлиги;

- ◆ мактаб кутубхоналари ишини Ўзбекистон мактаблари олдига қўйилган шу кунги талаблардан келиб чиққан ҳолда мақсадли фаоллаштириш йўллари ва усуллари белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар ва услубий тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- ◆ мактаб кутубхоналари фаолиятини ўқувчилар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш талаблари доирасида ёшларни тарбиялашнинг муҳим маркази сифатида тизимли такомиллаштириш йўлларининг назарий асослаб берилмаганлиги.

Таълим жараёнини оптималлаштириш ҳар қандай жамиятнинг умумий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида пойдевор вазифасини ўтайди, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. «Халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизацияси энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир.- Фақат ана шу асосдагина, олдимизга қўйилган юксак мақсадлар барчамиз учун ҳаётимизнинг мазмунига айланиб қолгандагина, миллатнинг онгли ватанпарварлик руҳини юксалтириб, ривожланган илғор мамлакатлар каби

тараққиёт йўлидан илдам қадам ташлаш имкони туғилади.»² , деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Таълим тўғрисида»ги Қонунда бу муҳим омилга алоҳида эътибор бериш лозимлигини уқтиради. Бу омиллар ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш, бунинг учун мактаб кутубхоналарининг моддий-техник базасини яратиш, уларни замонавий талаб ҳамда андозаларга мос ҳолда адабиётлар билан таъминлаш, ўқитувчилар ва кутубхоначиларни қайта тайёрлаш асосида уларнинг педагогик, психологик билимларини ошириш, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқитувчи ҳамда кутубхоначи ҳамкорлигини таъминлашнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқишдан иборат. Ёш авлодни истиқлол мафкураси билан қуроллантиришда таълим тизимининг барча босқичлари, жумладан, умумий ўрта таълим тизими марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бинобарин, маданиятли ва маънавий баркамол ёшлар халқ ва жамиятнинг бебаҳо бойлигидир. Уларни ҳар томонлама камол топтиришда мактаб кутубхоналари алоҳида ўрин тутади. «Умумтаълим мактабининг асосий мақсади, - деб таъкидланади Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисидаги низомида, - ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланган, маданиятли шахс сифатида шакллантириш, шунингдек, жамиятда ўзларининг мустақил ўрнини топиш, онгли равишда таълим ва касб бўйича дастурларни танлаш, уларни ўзлаштириш учун асос яратиш, оила ва давлат олдида ўз масъулиятларини ҳис қила оладиган шахсларни тарбиялашдан иборатдир»³.

Баркамол инсон шахсини таркиб топтириш вазифаси кенг қамровли жараён бўлиб, уни амалга ошириш бир неча йўналишлар бўйича ҳал этилиши зарур. Улардан бири - мактаб кутубхонасининг таълим-тарбия жараёнидаги

² Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1997, - 215-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низом №3. // Халқ таълими, 1996, - 1-сон. 7-бет

ўзига хос ўрни ва катта потенциал имкониятларини ўрганиш ҳамда уни амалиётга татбиқ этиш йўналишидир.

Маълумки, ўқувчиларда табиий-илмий, ижтимоий-ғоявий билимлар, дунёқараш ҳамда китобхонлик маданиятини шакллантириш вазифаси ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бу муаммонинг ечимига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини меъёрий асосда мустаҳкамлаб берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказларини тузиш» зарурлиги таъкидланган.

Бунинг учун маданий-маърифий ва таълим-тарбиявий имкониятларни бирлаштириш ниҳоятда зарур. Бу тизимда мактаб кутубхоналари ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришдаги муҳим бўгин сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, мактаб кутубхоналари ўқувчи билан ҳар доим биргалигини ҳисобга олган ҳолда бу жараённи узлуксиз ташкил этишнинг педагогик имкониятларини аниқлашга эҳтиёж сезилмоқда.

Мактаб кутубхонасининг таълим-тарбия жараёнидаги ижтимоий-педагогик аҳамияти, ундаги адабиётлар ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ва уларга таълим-тарбия беришда муҳим дидактик восита бўлиб хизмат қилади. Лекин ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб ва кутубхоналар ҳамкорлигининг педагогик имкониятлари бугунги кунга қадар аниқланмаган.

Мактаб кутубхоналари ўқувчининг ҳам ўқув фанларини ўзлаштириш даражасига, ҳам маънавий, мафкуравий, ғоявий тайёргарлигига таъсир Кўрсатади. Шунга қарамасдан мамлакатимиз ҳамда хорижда олиб борилган

қатор илмий ишлар мавжудки, улар ўрганилаётган муаммога маълум маънода алоқадордир. Улар ўрганилаётган муаммони тадқиқ этишда методологиК ёки умумназарий масалаларнинг илмий асосланган ечимларини илгари суришлари билан қимматлидир. Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик бўйича А.Я.Айзенберг, А.Н.Ванеев, Н.С.Карташов, Ю.Н.Столяров, О.Ғ.Қосимова, Э.Й.Йўлдошев, М.А.Раҳимова, М.Ҳ.Маҳмудов ва бошқаларнинг асарлари шулар жумласидандир.

Ўрганилаётган муаммога яқин бўлган баъзи тадқиқотлар рус кутубхонашунос мутахассисларининг ўтган асрнинг 80-90 йилларида яратган илмий мақолаларида ўз аксини топган. Жумладан, Л.В.Жукова, И.И.Фролова, И.Ганицкая, Д.А.Морозоваларнинг умумтаълим мактаблари ислоҳоти ва кутубхоналарнинг вазифалари, болалар ва мактаб кутубхоналарининг ҳамкорликдаги фаолиятига бағишланган илмий тадқиқотлари, Н.Г.Ашаренкова, Т.С.Поповаларнинг ўқувчиларнинг мустақил ўқиши ва уларга библиографик ахборот беришга бағишланган ишлари, адабиётлар орқали ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш, юқори синф ўқувчиларида поэзияга қизиқиш уйғотиш, мактаб ўқувчиларининг маънавий-руҳий дунёси ҳақидаги масалалар Т.Д.Полозова, Е.В.Клятовский, Л.А.Балашова, И.Прилишларнинг илмий мақолаларида ифодаланган.

Юқори синф ўқувчилари ўқишига раҳбарлик қилишнинг шакл ва методлари бўйича А.И. Лебедова, Д.Н. Тубельская ва бошқа олимларнинг ишлари мавжуд.

Ўзбек кутубхонашунос олимларидан Э.Йўлдошевнинг болалар китобхонлиги ва мактаб кутубхоналари ҳамкорлиги муаммосига бевосита алоқадор илмий изланишлари алоҳида эътиборга моликдир.

Мактаб кутубхонасининг ўқитувчиларга кутубхона хизмати кўрсатишдаги фаолияти масалалари тадқиқотчи М.Маҳмудовнинг илмий мақола ва рисоаларида ўз аксини топган.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИТОБХОНИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАКТАБ ҲАМДА КУТУБХОНА ҲАМКОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш масаласи файласуфлар, педагоглар, психологлар, жамиятшунослар ва бошқа фан соҳалари намояндалари томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ этилганига қарамасдан, мазкур тадқиқотларда ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб ва кутубхона ҳамкорлигини назарий жиҳатдан асослашга қаратилган ёндашувлар деярли учрамайди. Бу муаммо педагоглар ва кутубхонашунослар томонидан етарлича ўрганилмаган. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришга бағишланган ишлар вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалардангина иборат (Давлатов С., Жомонов Р. Кутубхонага эътибор зарур. Ушбу маданий масканлар миллат маънавиятини акс эттиради. «Халқ сўзи»-2006.-26 январь, Жўраев Ҳ. Кутубхоналар янгича услубда ишлайди. Самарқанд вилоят кутубхонасида семинар. «Маърифат».-2005.-23 январь, Жўраев Б. Мен ўқувчиларимни қандай қилиб китобхон қилдим? 2003-2004 ўқув йили умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили. «Маърифат».-2004.-14 январь).

Ўқувчилар кутубхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб ва кутубхона ҳамкорлигининг педагогик асослари айрим мақолаларни ҳисобга олмаганда деярли ёритилмаган. Шунинг учун ҳам биз мазкур тадқиқотимизда ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб кутубхоналарини ўқув муассасасининг таркибий қисми ва айна пайтда алоҳида фаолият кўрсатувчи тизим сифатида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Мазкур муаммони мавзу нуқтаи назаридан, қўйилган муаммо жиҳатдан, яхлит ҳамда тизимли ёндашилган ҳолда тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик. Биз бу ўринда ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда кутубхона ва мактаб ҳамкорлигини яхлит тизим сифатида тадқиқ этиш

мақсадини қўйдик. Бунда биз, асосан академик В.Г.Афанасьев концепциясига таяндик. Бу ўринда мактаб кутубхонасини ўқувчилар ва ўқитувчилар ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган яхлит тизим сифатида таҳлил қилдик. В.Г.Афанасьев тизимлар, шу жумладан, ижтимоий-таълимий, маданий тизимлар ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади: “Ўзаро алоқа натижасида янги интегратив сифатлар ҳосил қилувчи объектлар мажмуи бири-бирига хос бўлган қисмлар, компонентлардан иборат бўлади”. Бундай тизимни мактаб ва кутубхона ҳамкорлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мактаб ва кутубхонани ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантирувчи бир бутун тизим сифатида тасаввур этиш, бу тизимнинг асосий компонентларини аниқлаш, уларнинг ўзаро ва ташқи муҳит билан ўзаро алоқага киришиш механизмини белгилаш, унинг таълим тизимидаги ўрни, мазкур тизим таркибий элементларининг мазмун-моҳияти, китобхонлик маданиятини шакллантиришда мактаб ва кутубхона тақозо қиладиган алоқаларни таъминлашни талаб қиладди. Ушбу алоқадорликни таъминловчи ички ва ташқи муносиблик талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ватанпарвар, маънавияти юксак, бошқа халқлар маданияти ва урф-одатларини ҳурмат қиладиган ёшларни шакллантириш давр талабига айланди. Айниқса, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш уларни ҳар томонлама шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган.

Бугунги кунда ҳукуматимиз қарорлари билан қайта ташкил этилган, ҳар томонлама қулайликка эга бўлган мактаб ҳамда болалар кутубхоналари давлат дастурларида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда катта имкониятларга эгадир.

Ўқувчиларда китобга муҳаббат уйғотиш, уларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда, аввало, мактаб ва кутубхоналарнинг

аҳамияти каттадир. Бунда ўқитувчилар ва кутубхоначиларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди.

Азалдан кутубхона илм аҳлининг муқаддас даргоҳи бўлиб келган. Бизнинг республикамизда ахборот ресурс марказлари ва мактаб кутубхоналари ёш авлоднинг китобхонлик маданиятини шакллантириш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқда. Энг катта тармоқ - бу мактаб кутубхоналари ҳисобланади.

Замонавий кутубхона-автоматлашган маълумотлар марказидир. Кутубхона ахборотлар тўплаш технологияси ёрдамида ўқувчиларга хизмат кўрсатувчи автоматлашган кутубхона хизматлари кўрсатиш мажмуасидир.

Мактаб кутубхоналари ҳамда ахборот ресурс марказлари ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослашгандир. Бугунги кунда автоматлашган кутубхоналар ўқув-билув жараёнига энг янги ахборотлар билан таъминлаши назарда тутилмоқда. Ахборот ресурс марказлари ҳамда мактаб кутубхоналарининг энг муҳим вазифаси ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасини ўқув дастурлар, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, ўқув қўлланмалари, болалар адабиёти намуналари ва бошқа ўқув китоблари, илмий манбалар билан таъминлашдан иборатдир.

Ўқувчи маданиятини шакллантиришда китоб муҳим восита ҳисобланади. Шунинг учун мактаб кутубхоналарини ўқувчилар учун ҳақиқий зиё масканига айлантириш таълим соҳасининг муҳим масалаларидан биридир. Мактаб кутубхонасининг вазифаси фақат ўқувчиларни зарур дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш билан чегараланмасдан, балки уларни бадий, илмий-оммабоп китобларни ўқишга қизиқтиришдан ҳам иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда ўқитувчи фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда кўпинча болалар китоб ўқимаётганликда айбланадилар. Лекин уларга ранг-баранг адабиётлар тавсия қилиш зарурлиги ўқитувчиларнинг ҳам, кутубхоначиларнинг ҳам эътиборидан четда қолмоқда. Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг китобларга бўлган қизиқишлари,

эҳтиёжларини яхши билишилари талаб этилади. Ҳар бир синф раҳбари мактаб кутубхоначисига синфдаги ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳақида ахборот бериши зарур. Кутубхоначи эса худди шундай ахборотлар банкини вужудга келтириши лозим. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, қайсидир ўқувчига эртаси ёқса, қайси бири саргузаштни кўпроқ ўқигиси келади. Бошқа бировига эса детектив асар маъқул. Бундай ранг-баранг китоблар кутубхоналарга жуда зарур.

Ўқувчилар китоб ўқимаслигининг сабаблардан бири-оилада ота-она, мактабда ўқитувчи томонидан китобга меҳр уйғота олмаслик ёки ўқийдиган, қизиқарли бадиий китоблар етишмаслигидадир.

Битирувчи синф ўқувчиларининг мактаб кутубхоналарини бойитишга ҳисса қўшиш соҳасидаги ташаббуси тобора кенг қулоқ ёймоқда. Бунинг натижасида мактаб кутубхоналари минглаб бадиий китоблар ҳисобига бойимоқда.

Бугун ўқувчилар ўзлари учун қизиқарли бўлган кўпгина маълумотларни, асосан, оммавий ахборот воситалари ва интернет сайтларидан олишга муваффақ бўлмоқдалар. Бу ижобий ҳодиса, албатта. Лекин бундай ҳаракат натижасида ўқувчиларнинг кўпчилиги китоб мутолаасига лоқайд бўлиб қолишмоқда. Айниқса, бадиий китобларнинг ўқувчилар томонидан ўқишиш даражаси қониқарли эмаслиги кузатишларимиз натижасида аён бўлди.

Турли ахборот воситалари орқали кириб келаётган маълумотларнинг барчаси ҳам ўқувчининг маънавий даражаси, маданиятини юксалтиришга хизмат қила олмайди.

Мактаб билан бир қаторда болани китоб ўқишга қизиқтирувчи омиллардан бири - оила муҳитидир. Бироқ мактаб кутубхона билан ҳамкорликда таълим-тарбия амалга ошириладиган маскан сифатида ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда асосий ўринни эгаллаши лозим. Инсон қалбида болаликдан китобга меҳр уйғотилса, уни ҳеч қачон сўндириб бўлмайди.

Ўқитувчи ҳамда кутубхоначи ўқувчида китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида у билан мунтазам мулоқотга киришиши лозим. Ўқитувчи ҳам, кутубхоначи ҳам ўқувчида китобхонлик маданиятини шакллантириш, унинг китоб ўқишига раҳбарлик қилиш каби педагогик тадбирларни доимий равишда амалга ошириши керак.

Мактаб кутубхоналари ишини янада такомиллаштириш, уни назарий асосларга таянган ҳолда ташкил этиш, имкониятларини белгилаб бериш педагогика фанининг муҳим вазифаларидандир. Шу боис кутубхоналарни давр талабларига мос тарзда жиҳозлаш, илғор ахборот технологиялари ва ранг-баранг адабиётлар билан бойитиш, ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш механизмларини ишалб чиқиш масалаларига катта эътибор қаратилиши лозим.

Ўқитувчи ва кутубхоначининг ҳамкорлиги таълимнинг самарадорлигини таъминлайди, ўқувчининг ахборотларни эгаллаш, ўзлаштириш, мулоқот кўникмалари, китобхонлик маданиятини ривожлантиради. Ўқувчи ҳақиқий маънавий озукани, асосан китобдан олади. Шунинг учун ўқувчиларда китобхонлик кўникмаларини изчил тарзда шакллантириб бориш лозим.

Ўқувчи тафаккурини бойитишда кутубхоналар муҳим ўрин тутди. Шунинг учун бугунги кунда ахборот ресурс марказлари ҳамда мактаб кутубхоналарини замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозлашга ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорида, жумладан, шундай дейилган: «Таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш; миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият

яратиб бериш; маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш» ва ҳ.к.

Бугунги кунда ёш авлодни вояга етказишда мактабдаги дарс машғулотлари, синфдан ташқари ишлар қаторида кутубхоналарнинг ҳам ўзига яраша ўрни борлиги мазкур қарорда ҳам яққол ифодаланган.

Китоб-хазина дейди доно халқимиз. Ундан олинган билим эса-бойлик. Китоб ўқиган ҳар бир ўқувчининг дунёқараши ривожланади, моддий борлиқни англаш имкониятлари кенгаяди. «Яхши суҳбатдошинг бўлмаса, китоб ўқи», деб бежиз айтмаган доно халқимиз.

Китоб инсоният ақл-заковати яратган энг буюк мўъжизалардан биридир. Китоблар ва кутубхоналар ўқувчи шахси камолоти ва унинг тараққиётига хизмат қилганлиги учун ҳам ҳамиша эъзозланади.

Замонавий болалар ҳамда мактаб кутубхоналари олдига қуйидаги вазифаларни ечиш масъулияти қўйилган:

- ўқувчиларнинг китоб билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш уларни китоб ўқишга қизиқтириш, таълим-тарбия жараёнида китоб ва бошқа ахборот манбаларидан фойдаланишга кенг имконият яратиш;

- ўқувчини бадий адабиётга қизиқтириш, китоб ўқишга бўлган эҳтиёжини кучайтириш, уни мустақил ўқишга ўргатиш, бадий адабиёт орқали ўқувчиларда бадий-эстетик дидни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- ўқувчиларда изчил тарзда китобхонлик маданиятини шакллантириш;

- ўқувчиларнинг китобни мустақил мутолаа қилиб, уни ижодий ўзлаштиришга одатлантириш;

- ўқувчиларда китоб билан мулоқотга киришиш кўникмаларини қарор топтириш;

- ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Аборот ресурс марказлари ҳамда мактаб кутубхоналари ўқувчиларнинг мулоқотга киришиш, ахборотларни қабул қилиш марказига айланмоғи лозим. Бундай кутубхоналарда фаолият кўрсатадиган кутубхона ходимлари эса ўқувчи билан яхши мулоқотга кириша оладиган, бадиий адабиётни тушуна оладиган, юқори бадиий–эстетик дидга эга бўлган кутубхоначилар бўлиши лозим.

Сўнгги йилларда кутубхоналарни ахборотлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электрон ўқув хоналари, медиохоналар очилмоқда. Бундай махсус хоналар аудиовизуал материаллардан тўлиқ фойдаланиш учун ихтисослашган ускуналар билан жиҳозланади.

Ўқувчилар билан ишлайдиган кутубхоначи ўз мутахассислиги бўйича кутубхоналик, методик, тадқиқот ва бошқарувчилик фаолиятларига тайёр бўлиши лозим. Кутубхоначи инсонийлик, болаларга муҳаббат, педагогик фикрлаш каби фазилатларига ҳам эга бўлиши лозим.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда кутубхоначилар ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилиш учун қуйидагиларни яхши билиши керак:

- болалар учун ёзилган китоблар ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- ўқувчиларни китоб ўқишга одатлантиришда кўзланадиган педагогик мақсад ва вазифаларни тўғри англаб етиши;
- ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш усул ва йўлларини ўзлаштирган бўлиши;
- ўқувчиларга китоб ўқишни ўргатишнинг турли усул, шакл, методларини танлаш ва қўллашни билиши, бу жараёнда педагогик технологияларни қўллай олиши;
- педагогик билимларга, бадиий асарни педагогик ва бадиий таҳлил қилиш кўникмаларини эгаллаган, бадиий ва ўқув адабиётларининг барча

турларидан маълумотга эга бўлиши, ушбу билимларни ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёнида қўллай олиши;

- ўқувчилар билан педагогик мулоқот қилиш методларидан фойдаланиш, нотиклик кўникмалари ҳамда ифодали ўқиш малакасига эга бўлиши;

- ўқувчиларнинг бадиий-ижодий фаолият хусусиятларини билиши ҳамда бу билимларни уларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда қўллаши;

- автоматлаштирилган иш жараёнида ҳамда замонавий техник воситалар билан ишлашни билиши.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда кутубхоначи педагогика ва психология фанларини яхши билиши, ўқувчиларда мутолаа қилиш психологиясини қарор топтириши, шунингдек, у шахслараро мулоқот психологияси ҳамда ижтимоий-психологияга оид билимларга ҳам эга бўлиши талаб этилади. Кутубхоначи-педагог эстетик жиҳатдан тарбияланган, билимдон, бадиий дидга эга бўлиши зарур.

Ривожланган мамлакатларда ўқувчиларга ижтимоий, педагогик ҳамда маданий кутубхона хизматини кўрсатиш уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш соҳасига киради. Ўқитувчи ва кутубхоначининг асосий эътибори ижодкор шахс сифатида ривожланаётган ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим. Кутубхонага мўлжалланган хоналар ўқувчининг турли манбалардан ахборот олиши учун қулай бўлиши керак. Ахборот ресурс марказлари ва мактаб кутубхоналари ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда мактаб маъмурияти билан узвий алоқадорликда иш олиб бориши лозим. Яъни кутубхоначи ўқитувчи, тарбиячи ҳамда амалдаги дастурларга таянган ҳолда иш олиб бориши зарур. Шундагина ўқувчиларнинг китобхонлик маданияти изчил тарзда шаклланиб боради.

Мактаб кутубхоналари синф раҳбарлари билан бирга турли кўргазмалар ташкил қилиши, тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши керак. Бунда ўқувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжларини ҳисобга олиш, ҳаётий муаммоларни

ҳал қилишга йўналтириш, келажакдаги ҳаётини режалаштиришга ўргатиш, жамият ҳаётига мослашишга кўмаклашиш кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Кутубхоначилар ва синф раҳбарлари ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда катта педагогик имкониятларга эга. Улар ўқувчилар билан китоб ва бошқа материалларнинг муҳокамасида иштирок этишлари лозим. Бунда ўқувчиларнинг мулоқот кўникмаларини шакллантиришга эътибор беришлари, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олишлари керак. Шундагина ўқитувчилар ва кутубхоначилар кўзланган умумий педагогик мақсадга эриша оладилар.

Кутубхоналар ўқувчиларда узлуксиз тарзда мустақил билим олиш, мутолаа қилиш кўникмаларини шакллантиришда катта педагогик имкониятларга эга. Китоблар ўқувчиларнинг қизиқишларини қондириш, турли саволларга жавоб топиш имкониятларини кенгайтиради. Шунингдек, китоб ёрдамида ўқувчиларнинг эшитиш, сўзлашиш, ўқиш, ёзиш қобилиятлари ривожланади.

Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари кутубхоначилар билан ҳамкорликда:

-кичик ёшдаги ўқувчилар билан сўз ва сўз бирикмаларини ўзлаштириш устида турли машғулотлар ўтказишлари, юқори синф ўқувчилари билан китоб ҳақида суҳбатлар ўтказишлари, уларга турли воқеа-ҳодисаларни сўзлаб беришлари лозим. Товуш чиқариб ўқишга одатлантириш орқали ўқувчиларнинг оғзаки нутқи, ифодали ўқиш техникаси ривожлантирилади;

-ўқувчиларнинг ўқиш ва сўзлаб бериш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида кутубхоначи ва ўқитувчи ҳамкорликда турли тадбирларни лойиҳалаштириши лозим.

Мактаб ва кутубхоналарнинг фаолияти ахборотли, таълимий, маданий ҳамда мазмунли дам олиш вазифаларини бажаришни назарда тутиб амалга оширилади.

1. Ўқувчиларни янги ахборотлар билан таъминлаш вазифасининг қўйилиши натижасида хабарларнинг ҳаққонийлиги, уларнинг тезкор қабул қилиниши таъминланади.

2. Таълимий вазифалар ўқувчининг узлуксиз ва узоқ муддат давомида билим олиши учун қулай имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни таъминлайди, ахборот олиш ва ундан фойдаланиш учун ёрдам бериш, уларни қўллаш кўникмасига эга бўлиш каби имкониятларни беради.

3. Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш натижасида уларнинг бадиий-эстетик диди, бадиий адабиёт, сўз санъатини тушуниш, ижодкорлик кўникмалари ривожланади.

4. Мазмунли дам олишга эришиш мақсадида ўқувчилар маънавий-маданий ҳордиқ чиқариш, ҳар хил кўнгил очар тадбирлар, дастурлардан фойдаланиб бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Мактаб кутубхоначилари педагогик, психологик жиҳатдан назарий тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Бунинг учун касбий таълим билан биргаликда педагогик таълим ҳам жуда зарурдир. Кутубхоначи ўз фаолиятини касбий ҳамда педагогик тайёргарликка таянган ҳолда амалга ошириши керак. Яъни мактаб кутубхоначиси фаолиятининг асоси ҳисобланган таълимий ёндашув, педагогика ҳамда кутубхона ишини ҳар томонлама ўзлаштириши лозим. Шунингдек, улар ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантиришга оид материалларни тўплашлари ва бундай материаллардан фойдаланиш методикасини яхши билишлари зарур. Бу эса кутубхоначининг ўз меҳнати ҳамда кутубхонанинг ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш соҳасидаги фаолияти натижасини тўғри баҳолаши учун муҳимдир.

Мактаб кутубхоналари халқаро ассоциацияси мактаб кутубхоначиларининг касбий тайёргарлик жараёнида қўшимча ўқитувчилик мутахассислигига эга бўлишлари кераклиги ҳақида бир қатор таклифлар киритмоқда. Ахборот ресурс марказлари ва мактаб кутубхоналарида

ишлайдиган мутахассислар ихтисослик талабларига жавоб берувчи касбий тайёргарликка эга бўлиб, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўз маҳоратларини кўрсатишлари лозим.

Ўзувнинг пайдо бўлиши ва хужжатли манбаларни, айниқса, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши кутубхоналарнинг юзага келиши ва ривожланишига шароит яратди. Кутубхоналар ёзма ёдгорликларни сақловчи хазина сифатида жуда қадимдан пайдо бўлган. Жумладан, Ўрта Осиё ҳудудида милoddан аввалги 1-минг йилликнинг сўнгги асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Улар ҳукмдорлар саройларида ва ибодатхоналарда ташкил этила бошлаган. Бу даврда ёшларга таълим-тарбия беришда шахсий кутубхоналарнинг аҳамияти ҳам катта бўлган. Уларни, асосан бой табақага мансуб бўлган кишилар ташкил этганлар.

Ўрта Осиёда кутубхоналар ўтмишдаёқ жуда ривожланган бўлиб, улар асосан хон саройлари ва мадрасалар тасарруфида бўлиб келган. Мамлакат ҳукмдорлари кутубхоналарнинг равнақи, уларни бойитиш, хаттотлар билан таъминлаш соҳасида доимий ғамхўрлик қилиб келганлар. Россияда эса XIX асрдан бошлаб таълимий, маданий соҳада кутубхоналарнинг ўрни бир қадар ўсиб борди. Қадимги кутубхоналар орасида энг машхурлари Александрия (Искандария), Бухоро амирлиги ҳамда Боғдод кутубхоналари бўлган. Бироқ XX асрга қадар кутубхоначилик педагогикаси у қадар ривожланмаган эди.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ишларини ташкил қилувчи ташкилотчиларнинг фаолиятига В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернишевский, Н.А.Добролюбов, Л.Н.Толстой, К.Д.Ушинский ва бошқа ёзувчи, танқидчи ва педагоглар ўз фикрларини билдирганлар. Кутубхонашуносликнинг ривожланишида Н.А.Рубакиннинг ғоялари катта туртки бўлди. Кутубхоначи кадрларнинг касбий тайёргарлигини ошириш йўллари, унинг мазмуни ва методикасини Л.Б.Хавкина асослаб берган.

Ф.И.Сетинанинг тадқиқотларига кўра, Россияда болалар учун биринчи бадиий асар XV асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Чунки бу даврга

келиб, Россия кўп сонли саводли одамларга эҳтиёж сезган эди. Бу эса аҳолига тезкор тарзда таълим бериш усуллари излаб топишни талаб қиларди. Шунинг учун ўқиш, мутолаа қилиш жараёнини қизиқарли, қулай ҳамда ҳаммабоп бўлиши талаб қилинган. Шундай қилиб, болалар учун китоб яратиш таълим беришга эҳтиёжнинг вужудга келиши билан пайдо бўлди ва бу ўз навбатида давр талабларига жавоб берарди.

1574 йилда И.Фёдоров томонидан биринчи марта болалар учун «Азбука» китоби босмадан чиқарилган. Мазкур китобда болаларга таълим-тарбия бериш бўйича ота-оналарга маслаҳатлар, болалар мустақил ўқишлари учун ижод намуналари ҳам берилган.

Л.Зизания томонидан 1596 йилда Вильнода чоп этилган китоб ҳам ўша даврда катта қизиқишга эга бўлган. Мазкур китобда муаллиф илк бор болаларнинг қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олишга ҳаракат қилган.

Кўп китоблар черков кутубхоналарида сақланган. Черковлар қошида мактаблар, хаттотлик ва таржимонлик бўлимлари мавжуд бўлган. Кутубхоналар учун алоҳида хоналар ажратилган. Билимли ва кўп ўқиган монахлар орасидан кутубхоначилар тайинланган. Уларнинг асосий вазифаси китобларни сақлаш ва ўқувчиларга тарқатишдан иборат бўлган.

В.Г.Белинский ўзининг «Болалар китоблари ҳақида» мақоласида шундай деб ёзган эди: «Тарбия-буюк иш, у орқали инсон тақдири ҳал қилинади... Айнан болалар учун ёзиладиган китоблар тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши лозим». Муаллиф болаларнинг маънавий, маданий, бадий-эстетик сифатлари, китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларни ватанпарвар, инсонпарвар қилиб тарбиялаш, меҳнат, ҳаётга тайёрлашда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти катталигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

В.Г.Белинский болалар китобларининг мазмун-моҳиятига қўйиладиган талабларни ишлаб чиққан. У китобларда болаларнинг ҳиссиёти ва тасаввурларини ривожлантиришга қаратилган матн, эртак ва ҳикоялар

берилиши кераклигини доимо уқтириб келган. Болалар учун ёзилган китоблар уларга қувонч, ҳайрат, қизиқиш, ҳис-ҳаяжон баёишлаши, уларда қизиқувчанлик хислатларини уйғотиши лозим.

Болаларда ижтимоий хислатлар жуда вақтли уйғонади. Улар дўстлари, тенқурлари билан кўпроқ бирга бўлишга интиладилар. А.И.Герцен шундай деб таъкидлаган эди: болалар жуда очкўз тингловчилардир, шунинг учун улар қизиқувчан бўладилар, битта ҳикояни кўп марта эшитишни яхши кўрадилар. Улар нафақат эртак ва фантастик сюжетлар, балки тарихий воқеалар, ҳаётий далилларга ҳам қизиқадилар. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда буларга алоҳида аҳамият бериш керак.

Фақатгина дарсда эмас дарсдан ташқари вақтларда ҳам ўқувчиларни китоб ўқишга қизиқтириш уларда китобхонлик маданиятини шакллантириш, китоблар мазмунини англаш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон маънавияти юксалиши, дунёқарашининг шаклланишида китобнинг ўрни бекиёсдир. У тафаккур хазинаси, инсонга содиқ дўст, тўғри йўл кўрсатувчи тарбиячидир. Шунинг учун китоб ҳамиша қадрланиб келинган. Китобга меҳр қўйган боладан келажакда ёмон инсон чиқмайди. Бироқ ҳозирги пайтда кутубхоналарда лотин ёзувига асосланган Ўзбек имлосидаги бадий адабиётлар жуда кам. Улар ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириши учун етарли эмас.

Болалар эътиборини тортадиган, қизиқишларини орттирадиган, ҳайратга соладиган расмли китобларни астойдил, қизиқиш билан ўқийдилар. Шунинг учун китоб нашр қилишда кўпроқ болаларнинг дунёқарашлари, қизиқишлари, бугунги орзу-истакларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабларда кутубхоналар билан ҳамкорликда «Китоб-кўнгил ойнаси», «Китоб-қалбларга нур бағишлайди» каби мавзуларда суҳбатлар, ёзма ижодий савол-жавоб кечалари ўтказиш ўқувчиларнинг китобхонлик

маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Кутубхона ва мактабнинг эътибори мустақил республикамиз учун баркамол шахсларни тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, улардаги она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаб боришга қаратилмоўи лозим.

Шунингдек, мактаб билан кутубхона ҳамкорликда ўқувчилар қалбида халқимизнинг маданий, маърифий, тарихий ёдгорликлари, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга эътибор туйғуларини шакллантиришга қаратиши керак. Китоб ўқувчи ва кутубхоналар орасидаги восита, занжир бўлиб ҳисобланади. Ўқувчиларда китобга ижобий муносабатни шакллантириш, уни севишга ўргатиш мактаб жамоаси ва кутубхоначиларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ишчан ва ижодкор шахс сифатида ўсиб келаётган ўқувчи шахсини шакллантириш ўқитувчи ва кутубхоначиларнинг диққат марказида бўлиши керак. Шу муносабат билан мактаб ва кутубхоналарнинг вазифаси бугунги кунда ўқувчилар учун зарур бўладиган ахборотлар, ўқув материалларини танлаш ва уларга тақдим этиш, уларни сақлаш ҳамда ўқувчиларнинг қўлига етиб боришини таъминлашдан иборат. Кутубхона жамоаси ўқувчиларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳам фойда келтириши лозим.

Ахборот ресурс марказлари мактаб ҳамда ота-оналар билан яқиндан иш олиб боришлари муҳим ҳисобланади. Чунки айти шу кутубхоналар боланинг маданий ҳордиқ чиқариши, бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилади. Шу боис кутубхоналар мактаблар, тарбиячилар, педагоглар билан ҳамкорлик қилиши ва мавжуд дастурларга таяниши мақсадга мувофиқдир.

Болаларнинг ўзаро фикр алмашиш, тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантириш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда мактаб билан кутубхоналарнинг ҳамкорлиги муҳимдир. Бугунги кунда кутубхона кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳам китобхонлик маданиятини шакллантиришга эътибор қаратиши лозим. Шунини таъкидлаш керакки, кутубхоналар фаолиятининг муҳим жиҳатлари таълимни қўллаб-қувватлаш,

Ўқувчиларнинг ижтимоий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни китоблар ва бошқа ахборот манбалари билан таъминлаш, болалар ва ўсмирларнинг индивидуал ўқув эҳтиёжларига ва шахсий эҳтиёжларини қондирадиган хилма-хил ўқув материалларини тақдим этиш имкониятига эга бўлган маскан сифатида намоян бўлиши керак.

Кутубхоналар «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»ни рўёбга чиқаришда ҳам, умумий кутубхоначилик тармоғининг таркибий қисми сифатида ҳам зарурдир. Кутубхоналар ўқувчиларни табақаларга бўлиб, алоҳида китобхонлар гуруҳларига ажратган ҳолда хизмат кўрсатишни ташкил қилиши лозим. Адабиётлар тарғиботининг барча шакл ва усуллари ўқувчилар талабини имкон қадар тўлиқ ва тезкорлик билан қондиришга қаратилган бўлиши керак.

Мамлакатимизда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи, ислохотларнинг аҳамияти ва мустақиллигимизнинг моҳиятини очиб беришда кутубхоналарнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчилар билим-савиясига қўйиладиган талабларнинг ортиб бораётганлиги уларнинг турли хил ахборотларни эгаллашга бўлган эҳтиёжини ҳам оширмоқда. Ота-оналар, ўқитувчилар, кутубхоначилар ўқувчилар билан бир қаторда ягона ўқув-билув жараёни қатнашчиларига айланмоқдалар.

Бугунги кунда республикаимизда 17 мингдан ошиқ турли тизимдаги кутубхоналар аҳолига кутубхоначилик, ахборот-библиографик хизмат кўрсатмоқда. Шу жумладан, 9540 та мактаб кутубхоналари, 201 та ахборот ресурс марказлари мавжуд. Мактаб кутубхоналарининг ўзида 10 мингдан ошиқроқ кутубхоначилар хизмат қилади. 2006 йилдан бошлаб болалар кутубхоналари ахборот ресурс марказларига айлантирилди. Кутубхоналарнинг фонди мунтазам тарзда адабиётлар билан тўлдириб борилиши лозим. Акс ҳолда ўқувчиларни жалб этиш, уларга маънавий-

маърифий таъсир кўрсатиш мумкин бўлмай қолади. Фан-техника тараққиёти шароитида алоҳида кутубхоналар ўқувчиларнинг талабларини қондиришга қодир эмас. Шунинг учун ҳам ҳукуратимиз кутубхоналарнинг биргаликда фаолият кўрсатиш жараёнини таъминлаш учун барча ахборот ресурс марказларини халқ таълими тизимига бирлаштириш эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган махсус қарор қабул қилди.

Бу кутубхоналар тармоқларини марказлаштиришда намоян бўлмоқда. Кутубхоналарда замонавий техникадан фойдаланиш, кутубхоначини қўл меҳнатидан озод этиб, унинг асосий вазифаси-ўқувчилар билан маънавий-маданий, тарбиявий ишлар олиб боришга кўпроқ вақт ажратишга имкон яратмоқда.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда кутубхоначи маҳорати жуда кўп нарсани ҳал қилади. Бу ўринда уларнинг маълумот даражаси асосий аҳамиятга эга. Ўз касбини севадиган, тегишли маълумотга эга ходимгина ўз атрофига ҳақиқий ўқувчиларни йиғиб, уларга зарур маълумотларни бера олади. Айниқса, олий маълумотли мутахассис, ўз билими, замонавий ахборот технологияларидан хабардорлиги, мавжуд вазиятни тўғри англай олиши билан ажралиб туради. Кутубхона ишини тўғри ташкил қилиш ўқувчиларга адабиётлардан тўғри фойдаланиш, кутубхоначига эса ўқувчиларга тез хизмат кўрсатиш, кутубхона фондини ижтимоий-интеллектуал мулк сифатида сақлашни таъминлайди.

Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларда китобга муҳаббат уйғотишда ўқитувчи ва кутубхоначилар томонидан нафақат синф балки синфдан ташқари ўқишларни ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи ва кутубхоначи ўқувчиларга китоб танлашда ёрдам бериши, уйда ўқиладиган китобларни назорат қилиб туриши кўзланган натижаларни беради. Уларнинг таклифи билан бир гуруҳ ўқувчилар китобларни уйда бирга ўқишни ташкил қилишлари мумкин. Чунки бадиий адабиётларни жамоа бўлиб ўқиш, сўнгра уни биргаликда муҳокама қилиш ҳам

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Китоб ўқишдаги асосий мақсад-ўқилган нарсани фикрлашдан иборатдир. Китобхон томонидан ўқилган асарни ўйлаб чиқилган, фикр қилинган, китобни ўқиш жараёнида ҳамда ундан кейин ҳис қилинган туйғулар, воқеа-ҳодисалар ўқувчи хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқитувчи ва кутубхоначи ўз ишини педагогик мулоқот асосида, яъни субъект-субъект муносабатларига таянган ҳолда қурмоўи лозим. Шунингдек, улар ўз иш фаолиятида шахсни босқичма-босқич ривожлантириш назариясига амал қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Кутубхона-босма ва айрим қўлёзма асарлардан оммавий фойдаланишни таъминловчи маданий-маърифий, илмий муассаса бўлиб, мунтазам равишда босма асарлар тўплаш, сақлаш, тарғиб қилиш ва китобхонларга етказиш, шунингдек, ахборот-библиография ишлари билан шуғулланади, омманинг маданий савиясини оширишда фаоллик кўрсатади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш кутубхоналарнинг асосий фаолияти бўлиб, қолган барча фаолиятлар, жумладан, китоб фондини бутлаш ва уни ташкил этиш, фонд мазмунини ёритиш, уни китобхонларга етказиш кабилар асосий фаолият турига киради.

Бугунги кунда маданий қарашлар ва ёндашувларнинг глобаллашуви, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий такомиллашуви жараёнида информацион воситалар, ахборот алмашуви натижасида болалар ва мактаб кутубхоналарининг аҳамияти ортиб бормокда. Мамлакатимизда энг қадимги даврлардан ахборотларни қадрлаш китобат, Кутубхоначилик иши, китобхонликка жуда катта эътибор бериб келинган. Ўзбек халқи ўз ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиёти давомида кутубхоналарга жамиятнинг маданий юксалишини таъминловчи, ёш авлодга таълим-тарбия берувчи маскан сифатида қараб келган.

Мазкур масала мамлакатимизда ўтган асрнинг 20-йиллари бошларидан алоҳида, узоқни Кўзловчи сиёсий мақсадларни амалга ошириш жараёнида юз берганлиги билан ажралиб туради. Таъкидлаш лозимки, кутубхоначилик иши мазкур даврда собиқ мафкуравий тузумнинг маданий сиёсати - “маданий инқилоб” назарияси асосида амалга оширилди. Маданий-маърифий соҳалар, хусусан, кутубхоначилик ишини тадқиқ этишда ўша давр хусусиятларини пухта ҳисобга олиш, халқимизнинг яқин ўтмиши, тарихий воқеа-ҳодисаларини ҳолисона атрофлича ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бир қарашда маданият муассасаларининг кўпайиши, кутубхоналар сонининг ортиши ижобий ҳодиса эканлиги равшан. Аммо ана шу “ўамхўрлик” тагида ётган ўаразли мақсадлар, халқни мафкуравий тутқунликда сақлаш стратегияси мавжуд эди. Кутубхоналар, маданий-маърифий муассасалар сонининг ортиб бориши билан бир қаторда уларнинг ривожланиши устидан давлат назоратининг ўрнатилиши, китоблар нашр этиш, тарқатиш, тарғиб этишдаги мафкуравий тазйиқлар ва чора - тадбирларнинг қатъий режалар асосида амалга оширилиши фикримизнинг далилидир.

Бироқ шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки, ҳукумат томонидан олиб борилган маданият соҳасидаги сиёсат, хусусан кутубхоначилиК ишини ташкил этиш масаласидан кўзланган мақсад ўз сиёсий-ғоявийўналиши туфайли миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаб асраш нуқтаи назаридан қараганда нотўғри ёндашув эди. Собиқ шўролар ҳукуматида 20-йиллар бошларидан бошланган маданий соҳадаги сиёсатдан кўзланган бош мақсад халқнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, Баркамол инсонни тарбиялаш эмас, аксинча, ушбу сиёсат натижасида халқ оммасининг коммунистик мафкурага содиқлигини таъминлашдан иборат эди. Бошқача сўз билан айтганда, маданий соҳадаги ишлар, шу жумладан, кутубхоначилик ишини ташкил этиш, унинг ижтимоий аҳамиятини ошириш орқали миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқ кишиларни тарбиялаш эмас, балки

улар воситасида ҳукмрон сиёсий кучнинг бош мақсадини амалга оширувчи, итоаткор “омма” ни шакллантиришдан иборат эди.

Мустамлакачилик фақатгина “марказ” манфаатлари учун фаолият Кўрсатиш, халқларнинг миллий ўй-хаёлларига зид сиёсатни юритишни тақозо этар эди. Чунки чоризм истибдоди, кейинроқ шўролар тузуми Туркистонда азалдан давом этиб келаётган анъанавий турмуш тарзи, миллий тараққиёт йўлини инкор этди ва жаҳон тарихида илгари рўй бермаган сиёсий-мафкуравий тузум воситалари орқали халқларни ягона коммунистик мафкура асосида бирлаштиришни мақсад қилиб қўйган эди. Табиийки, бундай ҳаракатнинг миллий тараққиётга зид эканлиги миллатнинг ҳақиқий зиёлилари томонидан аллақачон англаб етилган эди. Мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўриниши эса пировард натижада халқнинг миллий ўзлигини англаш жараёнини кучайтириши шубҳасиздир.

Ўша давр мафкураси эса бунинг аҳамияти ва қандай оқибатларга олиб келишини билар, шунинг учун ҳам турли йўллар, усуллар билан халқни “ўз томонига оғдириш” сиёсатини юритди. Мактаб кутубхоналарини жадаллик билан очиш, ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиш амалиёти ҳам шу тарзда рўй берди.

Ўзбекистонда янги мафкура асосидаги мактаб кутубхоналарининг пайдо бўла бошлаши 1920 йилларда рўй берди ва бу жараён шўролар ҳокимияти томонидан янги мактаб тизимини вужудга келтириш билан узвий боқлиқ тарзда амалга оширилди. Маълумки, Октябрь тўнтаришига қадар чор ҳукумати ўлканинг халқ маорифи ишларига жуда кам миқдорда маблағ ажратар эди. Унинг асосий қисми эса рус-тузем мактабларини ривожлантиришга ажратилар эди. Маҳаллий мактаблар эса давлат томонидан ҳеч қандай маблағ билан таъминланмас, улар асосан маҳаллий аҳоли томонидан тўпланадиган маблағ ёрдамида фаолият кўрсатар эди. Шунинг учун ҳам бундай мактабларда доимий тарзда ишловчи Кутубхоналар йўқ эди.

Яъни зарур адабиётларни ўқитувчи ўзи билан мактабга олиб келар ва олиб кетар эди.

Ўзбекистонда шўро мактабларининг ривожланиши бир қанча босқичларда амалга оширилди. Дастлабки мактаблар очилиши билан кутубхоналар ташкил этиш ишлари ҳам амалга оширилди. Ўқувчиларнинг китобларга бўлган эҳтиёжлари ортиб боришини ҳисобга олиб, Туркистон АССР Маориф Халқ Комиссарлиги мактаб кутубхоналари ва уларни кадрлар билан таъминлаш ишларига эътибор берди. Маориф Халқ Комиссарлигининг 1919 йил 1 июндаги буйруғида “Ўқитувчининг мактаб кутубхонасидаги ишига синфда ишлагандек қаралиши ва шунинг учун бир соатлик Кутубхоначилик иши бир соатлик дарсга тенглаштирилиши ҳамда мактабда кутубхонанинг ҳар куни очик бўлиши” қайд этилади.

Бу даврда ҳукумат халқ маорифи борасида бир қатор қарорлар қабул қилди ва амалий саъй-ҳаракатларга йўл очди. Хусусан, 20-йилларнинг биринчи ярмида йилига ўртача 119 та мактаб очилди, улардаги ўқувчиларнинг йиллик ўсиши 1070 кишини ташкил этди. Аммо мактаб ўқувчиларига кутубхона хизмати кўрсатиш даражаси анча паст бўлиб, мавжуд китоб фондлари ўқувчиларнинг бадиий ва ўқув адабиётларига бўлган талабларини қондира олмас эди. Айниқса, маҳаллий миллат тилларида болалар учун мўлжалланган адабиётлар жуда кам чоп этилар эди.

Мактаблар ҳам йилдан-йилга ривожланиб борди. Агар 1924-1925 ўқув йилида Ўзбекистонда 908 та мактаб бўлиб, унда 75 500 ўқувчи бўлган бўлса, 1928-1929 ўқув йилида бу кўрсаткич 2330 та мактабни ва 167 900 ўқувчини қамраб олди. Мазкур даврда 1920 йилга нисбатан мактаблар сони-155,5 фоизга, ўқувчилар сони эса 122,4 фоизга ортди.

Айни пайтда мактаб кутубхоналари тармоғи ҳам ривожлана борди. Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлигининг маълумотларига Кўра, 1935-1936 ўқув йилининг охирига Келиб мавжуд 2405 та мактабдан 830 тасида мактаб кутубхонаси бўлиб, уларда жами 468 814 нусха адабиёт мавжуд

бўлган.

1-жадвал

**РеспублиКада 1935-1936 ўқув йили охирида
мактаб Кутубхоналарининг мавжуд ҳолати**
(жадвал архив материаллари асосида тузилган)

Мактаб типлари	Мактабларнинг умумий сони	Мактаб Кутуб- хонала- ри сони	Мактаб Кутубхо- налари Китоб фонди	Шу жумладан		Дарс- лиКлар	Кутубхона ҳодимига эга бўлган мактаб кутубхона- лари
				Ўқитувчи- лар учун махсус адабиётлар	Синфдан ташқари ўқиш учун адабиёт		
Бошла- ўич	1966	513 (	115513	9534	49332	56647	206
Тўлиқ- сиз ўрта	386	268	207258	17637	99634	96987	155
Ўрта	53	49	146044	27329	81254	37461	40
Жами	2405	830	468815	54500	230220	191095	401

Бу эса ўша даврларда Кўплаб мактабларда (65%) Кутубхоналар бўлмаганлиги, синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар етишмаслигини кўрсатмоқда. Ўша даврда бошланғичмактабларда ҳар бир кутубхонага ўртача 225 тадан китоб тўғри келган, шулардан 96та китоб синфдан ташқари ўқиш учун бўлса, ўрта мактабларда бу кўрсаткич – 1669 тани ташкил этган.

Мактаб кутубхоналари, айниқса, бошланғичва тўлиқсиз ўрта мактабларда китоб фондлари жуда ҳам ночор аҳволда бўлиб, улар ўқувчиларнинг бадиий ҳам ўқув адабиётларига бўлган талабларини қондира олмас эди. 1936-1937 ўқув йилида республикамиздаги ҳар бир ўқувчига дарсликлар билан қўшиб ҳисоблаганда 0,5 тадан китоб тўғри келган.

Бундай ҳолат фақат Ўзбекистонда эмас, балки бошқа республикаларда ҳам, ҳатто собиқ СССРнинг марказий ҳудудларида ҳам кузатилган. Шу муносабат билан СССР Халқ Комиссарлар Совети 1936 йил 16 ноябрда “Мактаб кутубхоналари тармоғини ва улар учун адабиётлар нашр этиш

ишларини ривожлантириш ҳақида” қарор қабул қилди.

Қарорда кўпгина иттифокдош республикалар Халқ Маориф Комиссарликлари мактаб кутубхоналарини ривожлантириш ишларига мутлақо эътибор бермаганлиги натижасида қатор бошланғичва ўрта мактаб ўқувчилари синфдан ташқари ўқиш учун бадиий адабиётлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлганликлари қайд этилган.

Шуни ҳисобга олиб, СССР Халқ Комиссарлари Совети иттифокдош республикалар Халқ Комиссарлари Советларига 1937 йилдан бошлаб мавжуд мактаб кутубхоналарининг китоб фондини қайта комплекшлаш ва кутубхонаси бўлмаган барча бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларда кутубхона ташкил этиш вазифасини қўйди.

Бу қарор мактаб кутубхоналари тармоғининг маълум даражада кўпайишига таъсир кўрсатди. Илгари ташкил этилган кутубхоналарни зарур адабиётлар билан таъминлаш мақсадида махсус маблағ ажратилди. Кўпгина мактабларда янги кутубхоналар очилди. 1936 йилда республика мактаб кутубхоналари учун адабиёт сотиб олишга 2 490 700 сўм ажратилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, 1920 йил охири, 1930 йил бошларидан жамиятда шаклланган маъмурий-буйруқбозлик тизими сиёсий буюртма асосида адабиётлар нашр этишга алоҳида эътибор бера бошлади. Бу эса 1930 йил иккинчи ярмидан ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни “янги жамият” қуриш ғояси билан “қуроллантириш”да яққол кўринди. Кескин сиёсий ва мафкуравий кураш даври бўлган бу даврда ёш авлодга бадиий адабиёт воситасида “коммунистик мафкура”ни сингдириш устувор аҳамият касб этди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг “Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар адабиётини нашр этиш ҳолати ҳақида”ги 1938 йил 20 май қарорида болалар учун адабиётлар нашр этишидаги бир қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Қарорда рус классиклари ва совет адабиётининг большевистик мафкура билан йўўрилган асарларини таржима қилиб, чоп

этиш зарурлиги қайд этиб ўтилди. Бу даврда Ўзбек ёзувчи ва шоирлари М.Горькийнинг “Она”, “Макар ×удра”, “×елкаш”, “Болалик”, “Менинг университетларим” Каби асарларини, А.С.Пушкиннинг “Капитан қизи”, Л.Н.Толстойнинг “Болалик”, М.Ю.Лермонтов, В.Маяковскийнинг бир қатор шеърларини, М.Шолоховнинг асарлари кабиларни таржима қилдилар.

1920-1930 йиллар нафақат Ўзбекистон, балки бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам рус тилини ўрганиш, рус адабиёти билан танишиш ишлари жонланган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1938 йил 19 мартда “Ўзбекистон ССРдаги Ўзбек ва бошқа миллий мактабларда рус тилини ўргатиш ҳақида” махсус қарор қабул қилди.

Албатта, рус тилидаги адабиётларни нашр этишни жонлантириш бошқа хорижий давлатлар адибларининг асарларини Ўзбек тилига таржима қилиш имконини берди. Бироқ бошқа томондан, рус тилидаги асарларнинг кўпайиши миллий рух ва характердаги асарларни ўрганиш имкониятларини Камайтира бошлади.

Урушдан олдинги йилларда Ўзбекистонда мактаблар сони, улардаги кутубхоналар ва китоб фондлари ўсиш ҳолатини жадвалдан кўриш мумкин:

2-жадвал

Ўзбекистонда 1928-1938 йилларда мактаб кутубхоналари тармоғининг ривожланиши

Йиллар	Мактаблар сони	Мактаб кутубхоналарининг сони	Умумий китоб фонди/минг нусха	Битта кутубхонага ўртача тўғри келган китоб
1928	2320	334	157,7	500
1936	2405	830	4686,8	570
1938	4718	1845	10000,0	542

Бу йилларда ёзувнинг икки марта ўзгариши, яъни араб графикасидан аввал лотин графикасига ўтилиши (1929-1940 йиллар) ва 1940 йилда эса кескин равишда кирилл алфавитига ўтилиши халқимиз маънавиятига катта зарар келтирди. Бу жараённинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий томонларини таҳлил қилиш тадқиқотимиз вазифаларига кирмайди, бироқ мактаб кутубхоналари фаолиятида бу ишлар ўз изини қолдирган. Бу ҳодиса ўша йилларда китобхонларнинг камайиши, кейинчалик эса бу ёзувдаги адабиётларнинг кутубхона фондларидан чиқарилиши, умуман халқ таълими ва маданиятнинг ривожига бир қадар салбий таъсир ўтказди.

Умуман, 1920-1930 йиллар Ўзбекистон жамияти ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида энг оғир давр ҳисобланади. Чунки бир томондан минглаб мактаблар, маданият муассасалари қурилди, ўн минглаб маориф ва маданият ходимлари тайёрланди. Аммо ушбу миқдорий кўрсаткичлар остидаги мавжуд тарихий воқелик, реал ҳолат бошқача эди. Тараққиёт мақсадининг коммунистик мафкура тарғиботига хизмат қилиши зарурлиги назарда тутилган эди. Шу боисдан ҳам мазкур давр Ўзбек маънавиятининг, хусусан, кутубхоначилик соҳасининг чуқур мафкуравий тарғиботга хизмат қилганлиги таҳлилларимиз натижасида аён бўлди. Айнан шу даврда “Социализмнинг мутлоқ ўалабаси”, “Совет маданиятининг таркиб топиши” каби сохта хулосалар натижасида маданиятдаги миллийлик ва байналмилаллик нисбати бузила бошланди. Мактаблардаги дарслар асосан мафкуравий-сиёсий мазмун ва тавсифга эга бўлганлиги учун ҳам ўқувчиларда воқелик моҳиятини билишга бўлган қизиқиш, ҳодисаларнинг асл негизини англаш иштиёқи сусайди.

Мазкур даврда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби мактаб кутубхоналарида ҳам маъмурий-буйруқбозлик тизими тўлиқ таркиб топди. Натижада маънавиятнинг тўлиқ сиёсийлашуви, сиёсий мафкуранинг маданият устидан ҳукмронлиги, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларида эса мафкуравий тарғиботларга ишонувчанлик жараёни юз бера бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши халқ таълими, жумладан, мактаб кутубхоналарининг миқдорий кўрсаткичларига кескин таъсир кўрсатди. Халқ хўжалиги, маданият ишларининг барчаси ҳарбий давр талабларига бўйсундирилди. Барча моддий ва маънавий имкониятларнинг уруш харажатларига йўналтирилиши кутубхоналар тармоғининг қисқариши, мактаб кутубхоналари сонининг кескин камайиб кетишига олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистондаги маданий-мафкуравий ҳолат маъмурий-буйруқбозлик тизимининг кучли таъсири билан тавсифланади. “Социалистик тузум афзаллиги”, “янги коммунистик жамият қуриш” назариясининг “ҳаётийлиги”ни исботлаш, энг аввало, зиёлилар орасида сиёсатга мос ўзгаришлар қилиш, мафкуравий ишларни янгидан жадаллаштириш сиёсатини олиб боришни талаб этар эди. Хукмрон сиёсий мафкуранинг чуқур илдиз отган таркибий тузилмалари орқали айнан шундай сиёсат амалга оширилди. Ёшларга мафкуравий таъсир кўрсатувчи барча соҳалар, хусусан, мактаб кутубхоналари тармоғини ҳам қайта тиклаш ишларига алоҳида эътибор берилга бошланди. Зеро, узоқ давом этган уруш йиллари мафкуравий идоралар иши, айниқса, мактаб кутубхоналари фаолиятини маълум даражада ижтимоий талаблардан ортда қолдирган эди. Бундай ҳолат халқ таълимининг барча бўлимларида яққол намоён бўлди.

Маълумки, Ўзбекистондаги мактабларнинг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида жойлашган эди. Жумладан, 1952-1953 ўқув йилида Ўзбекистон мактабларида 1 246 194 та ўқувчи бўлиб, шулардан шаҳарларда 297 553 та ва қишлоқ жойларда эса 948 661 та ўқувчи таълим оларди.

Бошқача қилиб айтганда, 77 фоиз ўқувчилар қишлоқ жойлардаги мактабларда таҳсил олганлар. Маълумотлардан кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилган ва уларга хизмат кўрсатувчи асосий кутубхоналар болалар ва мактаб Кутубхоналаридан иборат эди. Бироқ, Юқорида қайд этилганидек, қишлоқ жойларида кутубхоналар тармоғи кам бўлиб, китоб фонди эса ўқувчиларнинг

талабини тўлиқ қондира олмас эди. Нашриётлар ҳам болалар-ўсмирлар учун мўлжалланган адабиётларни нашр этиш бўйича режаларни бажара олмаганлар. Кутубхоналар кўп ҳолларда тор ва қоронғи биноларда жойлашган бўлиб, кўпчилиги зарур анжомларсиз ишлар эди. Шу билан бир қаторда махсус тайёргарликка эга кутубхоначи Кадрлар ҳам етишмас эди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 90 та кутубхона ходимларидан фақатгина 2 нафари олий маълумотли кутубхоначи ихтисослиги, 35 та киши эса ўрта махсус маълумотли кутубхоначилик ихтисосига эга эди.

50-йилларда Ўзбекистон маорифи соҳасининг энг катта муаммоларидан бири мактаб кутубхоналарини зарур ўқув ва бадиий адабиётлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар билан таъминлаш масаласи эди. Бунинг сабаби бир томондан, иқтисодий қийинчиликлар, уруш оқибатлари билан боғлиқ бўлиб, иккинчи томондан, мамлакатда ана шундай дарсликлар яратувчи интеллектуал кучларнинг ялпи қатағон қилинганлигидадир. Ўқув адабиётларини яратувчи янги кучлар эса етарли бўлмаган. Шу билан бир қаторда мактаб кутубхоналари таълим жараёнини давр талаблари асосида ташкил этиш учун етарли воситаларни етказиб бера олмаган. Республика бўйича мактаб кутубхоналарининг жами китоб фонди 1.419 минг нусхани ташкил этар, ҳар бир ўқувчига эса ўртача 1,2 китоб тўғри келарди. Бундай ҳолат ўз навбатида ўқувчиларни етти йиллик ва ўрта мактаб дастурларини тўлиқ ўзлаштира олмасликлари ҳамда уларни ҳаётга яхши тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда эди.

Ўзбекистон ҳукумати 1952 йил июнь ойида “Мактаб кутубхоналарининг китоб фондларини бутлаш тадбирлари ҳақида” қарор қабул қилиб, “Ўзбеккитобсавдо” ташкилотига кутубхоналар учун турли фан соҳалари бўйича адабиётлар етказиб бериш вазифасини қўйди.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ҳукумати марказ, яъни собиқ иттифоқ ҳукуматига 1952 йилда Ўзбекистонга қўшимча тарзда ўқувчилар учун I миллион сўмлик рус тилида бадиий адабиётлар нашр этиш ҳақида

илтимоснома Юборди. Бундай илтимосномага сабаб республика миллий мактабларида рус тилини ўқитиш ишларига жиддий аҳамият берилиши зарурлигида эди. Рус тилини Ўзбек ўқувчилари ўртасида ўқитишни яхшилаш мақсадида дарс соатлари 1947-1948 ўқув йилидаги 37,5 соатдан, 1950-1951 ўқув йилларида 44 соатга оширилди.

1950 йилдан бошлаб рус тилида синфдан ташқари ўқиш учун китоблар "Библиотека для узбекских школ" серияси чоп этила бошланди. 1950 йилдан 1957 йилгача шу серияда 110 номдаги ўқув адабиёти умумий тиражи 53 миллион нусхада нашр этилди”.

Юқоридаги мисоллар Ўзбекистон маорифи ва маданияти тизимида миллийлик ҳиссасининг Камайиши ва рус маънавиятига асосланган сохта байналмилаллик таъсирининг ошиб боришини кўрсатарди. Умуман, Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида, айниқса, таълим тизимида “руслаштириш” сиёсатининг энг ривожланган даври айнан шу давр - 50-йилларга тўғри келди. Бу бир томондан ижобий ҳодиса эди. Чунки ўқувчи ёшлар тил воситасида оламни кўпроқ билиш имкониятига эга бўла бошлаган эди. Иккинчи томондан бундай ҳолат эса, ўз навбатида, ўрганилаётган даврда Ўзбек ўқувчиларининг оммавий равишда рус мактабларига жалб этилиши, аҳолининг муайян қисмида космополитизмнинг кучайиши, иттифоқпарварлик кайфиятининг таркиб топиши, миллий кадриятларга содиқлигида айрим чекланишлар вужудга келишига сабаб бўлди. Ўқувчилар учун ўқув адабиётларининг кўпайиши ва болалар ҳамда мактаб кутубхоналари китоб фондларининг биров яхшиланишида Ўзбекистон ҳукуматининг “Республикада кутубхона ишини яхшилаш чоралари ҳақида”ги (1951 йил июнь) қарори ҳам маълум аҳамият касб этди. Қарорда кутубхона фондларини бутлаш, ўқувчилар учун ўқув адабиётларни нашр этишни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада болалар учун бу даврда 20 номда 355 минг нусхада адабиётлар нашр этилди. Бу кўрсаткич 1945 йилга нисбатан номи бўйича уч

марта ва тиражи бўйича тўрт марта ортиқ эди.

Шунингдек, 50-йилларда республикада болалар учун адабиётлар нашр этиш ишларида бир қадар илгарига силжиш кўзга ташлана бошланди. Бу эса, ўз навбатида, болалар ва мактаб кутубхоналари фондларини тўлдириш учун маълум имкониятлар яратди.

60-йилларга келиб мактаб кутубхоналари тармоғи бирмунча кенгайди. Бунда “Умумтаълим мактаблари ҳақида” ги конун муайян таъсир кўрсатди. Қонунга кўра бошланғичмактаблар йириклаштирилиб, умумий саккиз йиллик мактабларга айлантирилди. Натижада, 1959-1960 ўқув йилида республикадаги мавжуд 6475 та мактабдан 2280 тасини бошланғич, 2728 тасини саккиз йиллик, 1459 тасини эса ўрта мактаблар ташкил этди. 1961-1962 ўқув йилида эса умуман мактаблар сони 6797тани, шундан бошланғич мактаблар 1971 тани, саккиз йиллик мактаблар 3062 тани, ўрта мактаблар 1499 ва бошқа турдаги мактаблар эса 18тани ташкил этди.

Мавжуд 6797 та мактабдан фақат 4448 тасида мактаб кутубхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий китоб фонди 6.988.000 нусхани ташкил этган, шулардан бадий адабиётлар эса 4.560.000 нусха эди. Бироқ, мавжуд вазият шундан далолат берардики, мактаб кутубхоналаридаги бадий адабиётларнинг аксарияти рус тилида ёки Ўзбек тилига таржима қилинган адабиётлар эди. Бу эса ўқувчиларда Ўзбек бадий адабиётига бўлган қизиқишнинг сўниши, миллий-маданий туйғулардан узоқлашиш кайфиятини вужудга келишига асос бўлар эди.

Афсуски, бундай кутубхоналардаги китобхонлар миқдори ва таркиби ҳақидаги маълумотларни биз учратишга муваффақ бўлмадик. Чунки ўша йилларда мактаб кутубхоналари фақат беш йилда бир маротаба ҳисобот топширганлар. Лекин тахминий ҳисобларга кўра, агар ҳар бир мактаб кутубхонаси ўртача 200та болага хизмат кўрсатган деб ҳисобласак, умумий китобхонлар сони 889 600 тани ташкил этади.

60-йилларда республикада болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш ишлари бироз жонланди. Кутубхоналарда китобхон - болалар миқдори ортиб борди. Лекин ўқувчилар ўртасида адабиётлар тарғиботи самарали амалга оширилишига кутубхоналар моддий-техника базасидаги ночорлик, бошқарув органлари томонидан уларга етарли даражада эътибор бермаслик салбий таъсир кўрсатди. Қишлоқ мактаб кутубхоналари туман ва шаҳар кутубхоналаридан етарли даражада методик ёрдам ололмас эди. Кўпинча уларнинг ўзлари бундай ёрдамга мухтож бўлар эдилар. Табиийки, камчиликлар республикада кутубхоналар тармоғининг кенгайишига тўсқинлик қилар эди, бу эса ўз навбатида ўқувчилар ўртасида таълим-тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига салбий таъсир кўрсатган эди. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда кутубхонанинг катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон ҳукумати 1962 йил 30 майда “Республика ўқувчиларига кутубхона хизмати кўрсатишни яхшилаш чоралари ҳақида” қарор қабул қилди. Қарорда ўқувчиларга китоб билан хизмат кўрсатишдаги камчиликлар кўрсатилди, болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди, болалар кутубхоналарининг кейинги фаолиятлари ва вазифалари белгиланди.

Ҳукуматнинг мазкур қарорини бажариш бўйича Ўзбекистон Маданият вазирлиги қатор амалий тадбирларни ўтказишни белгилаб олди. Хусусан, болалар ва мактаб кутубхоналарига хизмат методик ва амалий ёрдам кўрсатиш имкониятларининг белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ бўлди. Асосий методик марказ сифатида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси болалар бўлими томонидан болалар ва мактаб кутубхоналарига ёрдам тариқасида кўплаб методик, библиографик материаллар нашр этила бошланиши натижасида фақат 1962 йилнинг биринчи ярмидагина 10та қўлланма кутубхоналарга тарқатилди.

Кутубхонада болалар билан ишлаш сифатини ошириш кўп жиҳатдан йирик, узоқ йиллар мобайнида катта тажрибага эга бўлган зиё масканлари

ўртасидаги ижодий алоқаларга боғлиқ деб ҳисобланди. Шу мақсадда, 60-йилларда махсус семинарлар ўтказиш жуда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Тошкент ва Самарқанд вилояти болалар кутубхоналарининг болалар ва мактаб кутубхоналари билан ўтказган семинарлари маълум аҳамиятга эга бўлди.

1962 йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳар маданият бошқармаси болалар ва мактаб кутубхоналари мудирларининг семинар кенгашини ўтказди. 260 киши қатнашган семинарда мактаб кутубхоналарини комплектлаш, кутубхона ишини режалаштириш, ҳисоб ва ҳисобот ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Бундай семинарларда ўша даврдаги энг долзарб масалалар: очиқ китоб фонди шароитида болаларга хизмат кўрсатиш, китобни ҳар бир ўқувчига етказиш; болаларни ғоявий тарбиялаш, таълим тизимининг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш, фан асосларини эгаллаш ва болаларда китоб билан мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Бу семинар халқ маорифи бўлимлари билан биргаликда амалга оширилди. Уларда мактаб кутубхоначилари махсус маърузалари билан фаол қатнашдилар.

Бу даврда “китобни ҳар бир ўқувчига етказиш” шиори болаларга хизмат қилувчи кутубхоналарнинг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолди. Маълумки, бу даврда болалар кутубхоналар тармоғи республикадаги 1-8-синф ўқувчиларининг барчасига барабар хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмас эди. Бу муҳим масалани ечиш учун болаларга хизмат кўрсатувчи барча кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш зарур деб топилди.

“Китобни ҳар бир ўқувчига етказиш” ишларида Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларида маълум ютуқларга эришилди. Лекин республика кутубхона тармоқлари олдида ўқувчиларга кутубхона хизмати Кўрсатишнинг ягона тизимини яратишдек муҳим вазифа турар эди. Маданият вазирлигига қарашли кутубхоналар билан бирга кўп сонли мактаб

ва Касаба уюшмалари кутубхоналари ҳам мазкур ишда фаол иштирок этиши назарда тутилди. Ягона кутубхоналар тизimini яратиш учун унга мактаб кутубхоналарини қўшиш, уларни малакали кадрлар билан тўлдириш, китоб фондларини янги адабиётлар билан бойитиш, кутубхоналарнинг моддий-иқтисодий базасини яхшилаш зарур эди. Аммо бу кутубхоналарнинг турли идораларга қарашлилиги бу истиқболли мақсадни амалга оширишга имкон бермас эди. Мактаб кутубхоналарида ўқувчиларни китоб ўқишга жалб этиш ишлари, китобхонлар талаб ва қизиқишларини ўрганиш, болалар ўқишига раҳбарлик қилиш ишларига етарли даражада эътибор берилмас эди. Уларнинг китоб фондларида дарсликлар ва кўп нусхали бир хил номдаги адабиётлар жамғармаси аксарият қисмини ташкил этар эди. Шу билан бир қаторда кўпчилик мактаб кутубхоналарида ўқитувчилар ўриндошлик асосида кутубхоначи вазифасини бажарар эдилар. Табиийки, улар кутубхоначилик ишларига етарли эътибор бермас, натижада мактаб кутубхонаси иш сифати яхшиланмас эди.

3-жадвал

Республикада мактаб кутубхоналарининг 1965 йил 1 январидagi ҳолати

Мактаб типлари	Мактаб- лар сони	Ўқувчи- лар сони	Кутубхо- нага эга бўлган мактаблар сони	Китоб фонди	Штатли Кутубхо- на ходим- лари	Китоб фондининг нусхаси бўйича мактаблар сони			
						100	101- 300	301- 730	950 ва ундан юқор
Бошлан- ғич	1599	93151	546	88090	-	244	87	151	46
Саккиз йиллик	3468	994778	2762	3249576	-	263	566	795	996
Ўрта	1630	1503495	1570	4326514	-	40	99	314	1083
Бошқа мактабл	25	4917	-	-	-	-	-	-	-
Жами	6722	2596341	4878	7664180	-	547	752	1260	2125

Юқоридаги жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 1965 йилда республикада жами 6772 та мактаб фаолият кўрсатган. Шулардан 4878 та мактабда 73 фоиз кутубхона мавжуд бўлган, қолган 1846 та мактабда эса умуман кутубхоналар бўлмаган. Ҳар бир мактаб кутубхонасида ўртача 1571 нусха китоб фонди мавжуд бўлган. Лекин жадвалдан кўриниб турибдики, бу мактаблардаги кутубхона фондлари турличадир.

Масалан, 547 та мактабда 100 тагача китоб мавжуд бўлган, 752 та мактабда 100-300 тагача китоб фонди бўлган, 1260 та мактабда 300-730 тагача китоб фонди бўлган, 950 та ва ундан юқори китоб фондига эга бўлган мактаблар сони эса 2125 тани, бу эса жами кутубхоналари бўлган мактабларнинг 46фоизини ташкил этади. Шу билан бир қаторда ўша даврда ҳар бир мактабга ўртача 386 та ўқувчи тўғри келган. Бу таҳлил мактаб кутубхоналарининг ўша даврда турли даражада ривожланганлигини кўрсатади.

Умуман, 70 йилларнинг охирига келиб умумтаълим ўрта мактаблар фаолиятида айрим силжишлар рўй бера бошлади: мажбурий ўрта таълим жорий этилди, янги ўқув режалари ва дастурларга ўтилиши яқунланди, ўқув-тарбиявий жараёнга эътибор кучайтирилди. Мактабнинг ижтимоий вазифаси ўзгариб кенгайди, ёшларнинг меҳнатга муҳаббати ва дунёқарашини бойитишга эътибор кучайди.

Мазкур даврда Ўзбекистонда мактаб кутубхоналарининг тараққиётида КПСС Марказий Комитетининг “Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ва фан-техника тараққиётида кутубхоналарнинг ролини ошириш ҳақида”ги қарори ҳам қабул қилинди. Қарорда мамлакатда кутубхоначилик ишини ташкил этиш, кутубхоналарнинг вазифалари ва иш мазмуни белгилаб берилди.

Бу вазифаларни бажариш бўйича республика кутубхоналарида муайян ишлар амалга оширилди. Натижада республикада кутубхоналарнинг ғоявий-сиёсий ишлари таъсирчанлигини ошириш борасидаги ишлар жонланди. Айни

пайтда Маориф вазирлиги тизимидаги кутубхоналар тармоғида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди, педагогик адабиётлар фондлари таркиб топа бошлади.

1975 йилда СССР Маориф вазирлиги томонидан “Мактаб кутубхоналари хусусида намунавий “Низом” қабул қилинди. Низомда мактаб кутубхонасининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг билим олиш ва уларни тарбиялаш жараёнига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан иборат эканлиги қайд этилди. Хусусан, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ўқувчиларга умумтаълим ва сиёсий билимлар асосларини пухта ўргатиш, кутубхона-библиография асослари билан таништириш каби масалаларга Низомда алоҳида эътибор берилди. Айни пайтда кутубхоналарнинг катта аҳамиятга молик ахборот маркази сифатидаги аҳамиятини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан бир қаторда “Мактаб кутубхоналари хусусида намунавий Низомда” кутубхонанинг таркибий ишларидан бири сифатида педагогик жамоа билан кутубхоначилар ҳамкорликда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ва ўқитувчиларнинг малакасини оширишидаги аҳамияти ҳам кўрсатиб ўтилган.

Собиқ СССР Маориф вазирлигининг “Мактаб кутубхоналарида илмий-педагогик ва методик адабиётлар фондини ташкил этиш ҳақида”ги 1975 йил 30 майдаги 76-сонли буйруғига биноан халқ таълими органларининг раҳбарлари ҳар бир мактабда мажбурий равишда илмий-педагогик адабиётлар фондини вужудга келтириш учун зарурий чоралар кўришлари шартлиги кўрсатилган. Шу билан бир қаторда кутубхонада марксизм-ленинизм классиклари асарлари, ҳукумат ҳужжатлари, машҳур ёзувчилар асарлари, СССР ва республика Маориф вазирликларининг қарор ва кўрсатмалари, таълим ва тарбияга оид долзарб муаммолар бўйича ҳужжатлар бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, собиқ иттифоқ даврида кутубхоналар фаолиятида асосий эътибор марксизм-ленинизм классиклари асарлари, ҳукумат қарорларини тарғиб қилишга қаратилди - бу нарса мавжуд тузумни сақлаб қолиш, маънавий ҳаётда маъмурий-буйруқбозлик тизими ва сиёсий-мафкуравий биқиқликка урғу берилганлигидан далолат беради.

“Низом”нинг жорий этилиши мактаб кутубхоналари ишларида ўша пайтдаги мавжуд тузум талаблари доирасида муайян ўзгаришларни юзага келтирди. Мактаб кутубхоначилари ўқитувчилар билан биргаликда ўқувчилар ва уларнинг ўқишига раҳбарлик қилувчилар учун адабиёт чиқарувчи нашриётларнинг тематик режаларини кўриб чиқиб, кутубхона коллекторига буюртмалар бериш амалга оширила бошланди. Вактли матбуот асарларига йиллик обуна бўлиш йўлга қўйилди. Кутубхоналарни тўлдиришга ажратиладиган маблағнинг қарийб учдан бир қисми ўқувчилар ва ўқитувчилар учун чиқариладиган вақтли нашрлар учун ажратилди.

Мактаб кутубхоналари “Юнўй натуралист”, “Юнўй техник”, “Комсомольская правда” каби журнал ва газеталар, Ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар бундан ташқари “/унча”, “Гулхан”, “Ленин учқуни”, “Ёш ленинчи”, “Ёшлик”, “Ёш куч”, “Шарқ юлдузи” каби газета ва журналларга обуна бўла бошладилар. Педагоглар учун чоп этиладиган “Народное образование”, “Семья и школа”, “Физика в школе”, “Химия в школе”, “Школа и производство”, “Русский язык и литература в узбекской школе”, “Совет мактаби” ва бошқа нашрларга обуна бўлдилар. Бу йилларда болалар учун мўлжаллаб нашр этилаётган китоблар нусхаси анча ортди, дарсликларнинг ғоявий-сиёсий таъсирчанлиги масаласига эътибор кучайтирилди, полиграфия сифатида ижобий силжишлар бўлди. Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган дарсликлар, бадий, илмий-оммавий адабиётлар чоп этилишига алоҳида эътибор берилди.

“Мактаб кутубхонаси” туркумидаги асарларнинг мундарижаси анча кенгайтирилиб, нусхалари оширилди. “Детская литература” нашриёти 50

томдан иборат “Болалар жаҳон адабиёти” тўпламини нашр этди. Бу нашр Ўзбек тилида ҳам чиқарила бошланди, бундан ташқари собиқ “Ёш гвардия” нашриёти “Ўзбек халқ фантастикаси” туркумида китоблар чоп эта бошлади.

Бу нашрларнинг каттагина қисми мактаб кутубхоналарига юборилиши кўзда тутилган эди. Аммо кутубхона коллекторлари, китоб савдоси бошқармаси ва мактаб раҳбарлари ҳамда кутубхоначиларнинг кутубхона фондини мунтазам бойитиш соҳасида аниқ режа асосида иш олиб бормаганликлари қатор муаммоларни вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам болалар учун чоп этилган барча асарлар аксарият мактаб кутубхоналарига ўз вақтида етказиб берилмади.

70-йиллар мактаб кутубхоналари фондини мустаҳкамлашда муҳим давр ҳисобланади. Бунга, айниқса, ўқувчиларнинг дарсликлардан бепул фойдаланишларини ташкил этиш мақсадида мактаб кутубхоналарида дарсликлар фондини ташкил этиш ишининг бошланиши маълум туртки бўлди. Ҳукуматнинг 1977 йил 24 ноябрдаги “Умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлардан бепул фойдаланишга ўтишлари” ҳақидаги қарори асосида “Дарсликларнинг кутубхона фондини яратиш ва янгилаш, улардан фойдаланиш тартиби ва адабиётларнинг бут сақланишини таъминлаш чоралари тўғрисида”ги йўриқнома эълон қилинди.

Мактаб кутубхоналарида дарсликлар фонднинг ташкил этилиши, бир томондан, уларнинг мустаҳкамланиши, яъни кутубхоначи штатлари, алоҳида хоналар билан таъминланишига олиб келди. Бошқа томондан эса мактаб кутубхоналарининг асосий иши дарсликларни ўз вақтида етказиш ва йиғиб олиб, сақлашдан иборат бўлиб қолди. Фан соҳаларига оид ўқув ва бадиий адабиётлар тарғиботи каби масалалар эса мактаб кутубхоналари хусусидаги намунавий низомда ўз аҳамияти жиҳатдан иккинчи даражали масала мақомини ола бошлади.

1974 йил 6 июлда собиқ СССР Маориф вазирлиги КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва фан-

техника тараққиётида кутубхоналар ролини ошириш ҳақида»ги қарорини бажариш бўйича махсус буйруқ эълон қилди. Унда маориф кутубхоналари тизимини ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари ўз аксини топди. Орадан тўрт йил ўтгач, маориф тизими кутубхоналари тармоғига ягона илмий-методик раҳбарлик қилишни ташкил этиш мақсадида “СССР Маориф министрлиги кутубхоналари системасига илмий-методик раҳбарликни ташкил этиш ҳақида” 1979 йил 17 июлда 136-сонли буйруғи эълон қилинди. Буйруққа кўра К.Ушинский номли Давлат илмий-педагогика кутубхонаси халқ маорифи тизими кутубхоналари тармоғи учун бош илмий-методик марказ этиб тайинланди. Иттифоқдош республикалар вазирликларига ҳам ҳар бир республика учун республика илмий-методика кутубхонасини ташкил этиш тавсия қилинди. Шунга биноан, 1981 йил 5 январда Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг республика илмий-педагогика кутубхонаси ташкил этилди. Кутубхонанинг методик марказ сифатидаги асосий вазифалари мактаб кутубхоналари, ўқитувчилар малака ошириш институтлари ва педагогика ўқув юртлири кутубхоналари ҳамда халқ таълими бўлимлари қошидаги методика кабинетлари кутубхоналарига педагогик адабиётларни тарғиб қилишда ташкилий-методик раҳбарликдан иборат эканлиги қайд этилди.

Айни пайтда республика илмий-педагогика кутубхонаси Маориф вазирлиги томонидан кўриб чиқилган ва тасдиқланган Низомга кўра мактаб кутубхоналарига услубий ёрдам бериш, улар учун йўриқномалар, методик материаллар, ҳар хил қўлланмалар яратиш билан шуғуллана бошлади. Бундан ташқари, кутубхона ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида кутубхона-библиографик билимларини тарғиб қилиш, турли мавзуларда методик тавсиялар, факультатив машғулотлар учун дастурлар тайёрлаш билан ҳам шуғулланди. Хусусан, шу ўринда кейинги йилларда кутубхона томонидан нашр этилган “Организация работѹ школьной библиотеки: методическая рекомендация”, “Праздник книги: методические рекомендации”,

“Организация работѣ библиотек методических кабинетов райгороно в помощь специалистам народного образования: Инструкция методическое письмо”, “Мактаб кутубхонаси ва ўқитувчиларга кутубхона хизмати кўрсатиш” каби айрим методик қўлланмаларни алоҳида таъкидлаш муҳимдир.

Кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Маориф вазирлиги қошида 1980 йилда – «Кутубхоначилик ишлари бўйича илмий-услубий кенгаш» тузилди, бу кенгаш ишида республика илмий-педагогик кутубхонасининг ўрни белгилаб берилди. Шундай кенгашлар барча вилоят ва туман, шаҳар халқ маорифи бўлимларида ҳам ташкил этилди. Бундай кенгашлар маориф тизимидаги кутубхоналарга ягона илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, уларга раҳбарлик қилишнинг сифати ва мазмунини яхшилашга масъул эди.

Кутубхоначилик ишлари кенгаши меъёрий ва регламент ишларини белгилаб берувчи ҳужжатларнинг лойиҳасини муҳокама қилиш, доимий равишда педагогика ўқув юртлари, малака ошириш институтлари, мактаб кутубхоналарининг ҳисоботларини тинглаш, шу билан бир қаторда кутубхоналар фаолиятининг айрим долзарб масалалари ҳақида ахборот бериш, илғор иш тажрибаларини таҳлил қилиш ва оммалаштириш, мавжуд камчиликларни кўрсатиш ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида тавсиялар бериш билан шуғулланди.

1981-1987 йиллар мобайнида кенгаш мажлисларида барча вилоятлар кутубхоначилик ишлари илмий-методик кенгашлари фаолиятлари, кутубхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни китоб билан таъминлашни яхшилаш, китоб фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш каби масалалар муҳокама қилинди. Масалан, кенгаш мажлисларида Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари халқ маорифи бўлимлари қошидаги кутубхоначилик ишлари илмий-методик Кенгашларнинг вилоятлардаги мактаб кутубхоналарига ташкилий-методик раҳбарлик

қилишининг сифати ва мазмунини яхшилашдаги аҳамияти каби масалалар мунтазам равишда муҳокама қилинди.

Лекин кўпгина мактаб кутубхоналарининг моддий-техника базаси ночор аҳволда бўлиб, уларнинг фонди асосан дарсликлар ва мактаб дастурларини ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча адабиётлардан иборат бўлиб қолаверди. Кўпгина мактабларда универсал китоб фондининг ночорлиги, баъзиларида эса умуман йўқлиги сабабли ўқувчилар ва ўқитувчиларни ғоявий-сиёсий, умуммаданий адабиётлар, мактаб дастурини ўзлаштиришга ёрдам берувчи ўқув адабиётларига бўлган талаби етарли даражада қондирилмас эди. Чунки 1986-1987 ўқув йилларида мавжуд 7745 та кундузги мактабнинг 7670тасидаги кутубхоналарда китоб фонди дарсликлар билан қўшиб ҳисоблаганда 10 минг нусхадан ортиқ бўлганлари 29 фоиз, 5-10 минг нусха китоб фонди бўлганлари 27 фоиз, 1-5 минг нусха китоб фонди бўлганлари эса 30 фоизни ташкил этган. Қолган кутубхоналарда эса минг нусхагача китоб фонди бўлган, холос.

1980 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган қайта қуриш сиёсати Ўзбекистонда маънавий-маданий соҳада айрим ўзгаришларни амалга оширишга туртки бўлди. Бу ҳолат, энг аввало, миллий ўзлик, миллий қадриятлар, анъаналарни тиклаш, узоқ йиллар ҳукмронлик қилган мафкуравий-сиёсий яккаҳокимлик ҳамда маданиятдаги маъмурий-буйруқбозлик тизимини инкор этиш тарзида юз берди. Натижада мактаб кутубхоначилигида айрим илгари силжишлар вужудга кела бошлади, ўқувчиларнинг халқнинг миллий тарихи ва маданиятига қизиқиши ортиб борди. Муаллифлар томонидан эса халқнинг миллий руҳи чуқурроқ акс эттирилган ўқув ҳамда бадиий адабиётлар яратила бошланди.

Аммо мактаб кутубхоналарининг иш сифатини яхшилаш, зиё масканларини миллий руҳдаги адабиётлар билан бойитиш том маънода сусткашлик билан амалга оширилмоқда эди. Маъмурий-буйруқбозлик

тизими ва маънавий-маданий тараққиётдаги сусткашлик ўзининг имкониятларидан воз кечишни ва ўз ўрнини бўшатиб беришни истамас эди.

Ўзбекистон Республикасидаги мактаб кутубхоналари иш сифатидаги туб бурилиш фақатгина мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши туфайлигина вужудга келди. Мустақиллик мактаб кутубхоналари иш сифатига ҳамда миқдор кўрсаткичларига тубдан ўзгартишлар киритди. Бу соҳадаги ҳолат ижобий томонга ўзгара борди. Энг аввало, республика илмий-педагогика кутубхонаси томонидан мактаб кутубхоналари фаолиятини таҳлил этишнинг бошланиши мақсадга мувофиқ бўлди. Вилоят халқ таълими бошқармалари томонидан мактаб кутубхоналари фаолиятлари ҳақида ҳар йили ҳисобот бериш ишлари йўлга қўйилди.

Айни вақтда кутубхоначилик кенгаши томонидан турли меъёрий ҳужжатлар муҳокама қилинди, илғор тажрибалар тўпланиб, таҳлил этилди, мактаб кутубхоналарига методик раҳбарликни такомиллаштириш муаммолари мунтазам тарзда ечиб борилди.

1995 йилнинг 1 январига келиб, республикамызда кутубхонаси бўлган мактаблар сони 8863 тага етди. Айни вақтда мактаб кутубхоналаридаги китобхонлар сони ҳам кўпайиб борди. Бу ўсиш Қашқадарё вилоятида 15,8 фоизни, Сурхондарё вилоятида 13,9 фоизни, Навоий вилоятида 6,06 фоизни ташкил этди. Самарқанд ва Тошкент вилоятларида китобхонлар сони 46,5 фоизга ортган, республика бўйича 1993-1994 ўқув йилига қараганда китобхонлар сони 10-12 фоизга ортган. Бироқ жаҳон тажрибасидан Маълумки, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларда китоб ўқишга бўлган қизиқишнинг маълум даражада сусайиши, зарур адабиётларнинг етишмаслиги сезилмоқда.

1995 йил 1 январга келиб республикамыз мактаб кутубхоналари бўйича ўртача китобхонлик кўрсаткичи 4,7 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич 1994 йилги натижаларга қараганда бирмунча кам эди.

1995 йилнинг 1 январига келиб республика мактаб кутубхоналари китоб фонди 39 275 897 нусхани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган 1994 йилга қараганда 2,4 фоизга кўпайган. Умуман, сўнги йилларда республика бўйича мактаб кутубхоналари китоб фондининг мунтазам ортиши кузатилмоқда. Лекин бу ҳолат ҳамма жойда ҳам бир текисда амалга оширилмаяпти. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикасида 48,5 фоиз, Андижон вилоятида 15,4 фоиз, Тошкент вилоятида 21,7 фоизга камайган.

1995 йил 1 январига Келиб, республика мактаб кутубхоналарида 9571 та кутубхоначи ишлаган. Шулардан олий маълумотлилар - 2204 (22 фоиз), ўрта махсус маълумотлилар - 3762 та (39 фоиз) ва ўрта маълумотлилар - 3605 (38 фоиз)тани ташкил этди. Иш стажи бўйича бу кадрларни тақсимлаганимизда 1-5 йилгача иш стажига эга бўлганлар - 44 фоиз, 5 - 10 йилгача бўлганлар-29 фоиз ҳамда 10-15 йил ва ундан кўпроқ ишлаганлар 27 фоизни ташкил этди.

Республикамизда мактаб кутубхоналари ҳақида тўпланган бу маълумотлар уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида баъзи бир хулосалар чиқариш имконини беради. Мактаб кутубхоналарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, республикада кутубхоначилик соҳаси таълим-тарбия ишининг таркибий қисми сифатида ривожланиб, маълум тарихий даврларда жиддий ўзгаришларга учради. Лекин шу билан бир қаторда бу ходиса ўзининг мустақил ривожланиш мантиқига эгаки, бу «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда мактаб кутубхоналарининг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир кўрсатди.

XX аср Ўзбекистон мактаб кутубхоналари асосий иш фаолиятининг сифат жиҳатидан ўзгаришларига қараб, уларни учта катта даврга бўлиш мумкин:

1. 1920-1960 йиллар-Шўролар даври мактаб кутубхоналарининг пайдо бўлиши ва шаклланиши.

2. 1970-1990 йиллар - мактаб кутубхоналарининг ривожланиши ва коммунистик мафкура мақсадларга хизмат қилишга йўналтирилганлиги даври.

3. 1991 йилдан бошлаб – янги мафкура, миллий маънавият асосидаги мактаб кутубхоналари фаолиятининг тубдан ўзгариш жараёнининг бошланиши даври.

Ушбу хронологик чегаралаш шартли бўлиб, бу республикада мактаб кутубхоналарининг умумий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Мактаб кутубхонаси мактабнинг таркибий қисми сифатида ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни Баркамол инсон қилиб тарбиялаш, китобхонлик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Кутубхона ўқувчи ёшларни мустақил равишда ўз билимларини ошириш, ўзлари қизиққан соҳалар ва билимлар бўйича адабиётлардан фойдаланиш имконини яратади, шу билан бир қаторда мактаб кутубхонаси нафақат ўқувчилар, балки мактаб педагогик жамоаси ва ота-оналарга ҳам хизмат кўрсатишга масъулдир.

Маълумки, ҳар қандай педагогик ҳодиса, шу жиҳатдан ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш мактаб ва кутубхона ҳамкорлигида муайян бошқарув механизмига таянади. Бошқарув механизми ушбу педагогик тизимнинг умумий тузилишига таянади. Бу мактаб ва кутубхона алоқаси ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёнидаги муносабатлари, мактаб ва кутубхонанинг ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёнидаги ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти мазмунининг асосий мақсади, яъни ўқувчи шахсини Баркамоллаштиришга йўналтиради.

Мактаб кутубхонаси ҳамда ўқув муассасаси яхлит тизим сифатида қуйидаги қисмлардан иборат:

- ◆ мактабнинг таълим-тарбиявий мақсадлари;

◆ кутубхоначи ва ўқитувчи фаолият субъектлари, яъни ўқувчининг китобхонлик маданияти ва мактаб кутубхонаси иш фаолиятини ташкил этувчи шахслар сифатида;

◆ кутубхона фонди, техник воситалар, бошқа ахборот берувчи манбалар - мактаб кутубхонасининг иш фаолиятини амалга оширувчи имконият манбалари сифатида;

◆ мактаб кутубхонасининг ўқувчилар китобхонлик маданиятини шакллантириш соҳасидаги ишлари мазмуни, шакл ва методлари;

◆ ўқувчилар, ўқитувчилар, уларнинг ўқув ва бадиий адабиётга бўлган эҳтиёжлари - мактаб кутубхонаси иш фаолиятининг объекти сифатида, уларнинг талаб ва қизиқишларини қондиришга доир фаолиятнинг изчил фаолият кўрсатиши.

Мактаб кутубхонасини бир бутун тизим сифатида ўрганиш унинг таркибий қисмларини таърифлашдан бошланади. Мактаб таълим-тарбия жараёни олдида қўйилган мақсадни амалга оширувчи энг асосий қисмларидан бири - мактаб кутубхонасининг ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш борасидаги фаолиятидир. Мактаб олдида қўйилган мақсад эса янада умумийроқ мақсадлардан – таълим жараёнида ўқувчи шахсини узлуксиз ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий мақсадларидан келиб чиқади. Таълим жараёнида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш учун педагогик воситалар зарур. Мактаб кутубхонасининг барча таркибий қисмлари ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш воситаси сифатида амал қилади. Тизимнинг умумий мақсади, яъни ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсади билан боғлиқ бўлади. Бунда ҳар бир ўқув компонент умумий мақсад, яъни ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Мактаб кутубхонаси тизимида кутубхоначининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларнинг эҳтиёжини қондирадиган ўқув ҳамда бадиий адабиётлар, ахборот воситаларини танлай олиш ва уларни тўплаш. Бу фаолият кутубхона фондини бутлаш жараёнида амалга оширилади.

2. Ўқувчиларга уларнинг китобга қизиқишларини ошириш мақсадида ўқув ҳамда бадиий адабиётлар ҳақида аниқ, изчил, батафсил маълумот бериш. Ушбу жараён маълумот излаш усулларини танлаш ва тарғиб этиш орқали ҳал қилинади.

3. Танланган ўқув ҳамда бадиий адабиётлар, техник воситалардан ўқувчиларнинг умумий фойдаланишларини ташкил этиш. Бу фаолият ўқувчилар орасида китоб тарғиботи ва уларга ахборот беришнинг турли усулларида фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўқувчиларнинг китоб мутолаа қилишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, мактаб кутубхоналарини мослаштирилган биноларда жойлаштириш ва ўқувчилар учун қулай қилиб жиҳозлаш, кутубхонанинг моддий-техник базасини мунтазам ривожлантириб бориш.

Кутубхоначи мактаб кутубхонаси тизимининг субъекти сифатида ўзига хос вазифани, яъни мактаб кутубхонаси ишининг мазмуни, шакл ва усулларини амалда қўллайди.

Мактаб кутубхоналарининг фонди ва моддий-техник базаси (МТБ) ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу мактаб ва кутубхона олдига қўйилган умумий мақсадни амалга ошириш учун шароит яратиш, кутубхона фондининг таркиби ва МТБ самарали амал қилиши натижасида ўқувчиларнинг китобхонлик маданияти изчил ривожлантирилади.

Мактаб кутубхонаси ишининг мазмуни, шакллари, методлари тизими ўқувчилар маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш жараёнининг муҳим босқичи сифатида намоён бўлади. Бу фаолият мазмуни мактаб олдига қўйилган умумий мақсаддан Келиб чиқади. Мактабнинг умумий вазифаси ҳар томонлама етук ёш авлодни камол топтиришдан иборат. Лекин

кутубхона ишининг мазмуни, шакл ва методлари кўп жиҳатдан кутубхоначи ва ўқитувчига, уларнинг субъект сифатидаги фаолиятлари ҳамда бу ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, яъни кутубхона фонди ва МТБ ҳамда китобхонлик маданиятини шакллантиришга боғлиқ.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёнида кутубхоначи ва ўқитувчи алоҳида ўрин тутди. Бунда кутубхонадаги китоб фонди ёрдамида ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда кутубхона ишининг мазмуни, шакл ва усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантириш учун қулай шароит яратиш кутубхоначи ва ўқитувчининг касб маҳорати, шахсий сифатларига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу тизимда кутубхоначи ҳамда ўқитувчи субъектлар, тизимнинг самарали фаолият кўрсатишини бевосита ташкил этувчи вазифасини бажаради. Бошқача айтганда, ушбу тизимда фаолият самарадорлигини белгиловчи компонентлар: ўқувчилар, ўқитувчилар, кутубхоначи ва ота-оналарнинг ўқув ҳамда бадиий адабиёт ва ахборотларга бўлган талаб-эҳтиёжлари ҳамда қизиқишларидан иборат. Мазкур тизимни ҳосил қилувчи қисмлар натижасида бундай ёндашув таълим жараёнида самарадорлик ва сифат даражасини ошириш учун хизмат қилади.

Бугунги кунда таълим-тарбияга бўлган талабларнинг ошиб бориши, ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билимларга эга бўлишга интилишлари уларни адабиёт ва ахборотга бўлган талаблари кўламини кенгайтириши табиийдир. Бундай ҳолат мактаб ўқитувчиларини ҳам узлуксиз равишда ўз билимларини янгилаб, янги адабиёт ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини оширмоқда. Бу эса ўз навбатида мактаб кутубхонаси тизимига янги касбий сифатлар ва маҳоратга эга бўлган кутубхоначи, кутубхона фонди, хизмат кўрсатиш шакллари, ҳатто МТБга ҳам таъсир кўрсатади. Натижада фаолиятнинг янги мазмуни ва ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг замонавий шакл ва методлари қўлланилмоқда. Бундай

алоқадорлик мактаб ва кутубхона иш фаолияти ҳамкорликдаги узлуксиз жараён эканлигини ифодалайди.

Мактаб кутубхонаси тизими ўқув жараёни билан ҳам яқин алоқада бўлиши лозим. Мактабнинг олдига қўйилган мақсад халқ таълими тизимининг умумий мақсадларидан келиб чиқади ва шунга қараб мактаб кутубхонаси ишининг мазмуни белгиланади. Тизимнинг субъектлари: ўқувчилар, ўқитувчилар, кутубхоначилар ўқув жараёни билан узвий боўланган. Бошқа компонентлар-кутубхона фонди, МТБ-китоб нашр этиш ишлари ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши билан боғлиқдир.

Мактаб кутубхонаси педагогик жамоа билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Унинг фаолият кўрсатиш даражаси мазкур тизимнинг қисмлари фаолиятига боғлиқ. Кутубхона ишининг мазмуни муайян даврда улар олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқади.

Мактаб кутубхоналарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш натижалари шуни Кўрсатадики, кутубхоналар ишининг мазмуни мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланиш вазифалари ва таълим олдига қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилади. Шу билан бир қаторда мактаб кутубхоналари иши мазмунига айрим омиллар: ўқитувчи ва кутубхоначиларнинг касб тайёргарлиги ва маҳорати, ўқувчиларнинг китобларга бўлган талаблари, кутубхона китоб фонди, моддий-техник базасининг таркиби ва сифат кўрсаткичлари ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Мактаб кутубхоналари иши мазмунининг асосини ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш чора-тадбирларини қўллаш ташкил этиши лозим. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топиши уларнинг ақлий, ахлоқий, сиёсий, жисмоний, эстетик тайёргарлигига боғлиқдир. Жумладан:

- ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали фалсафий дунёқарашни қарор топтириш, ҳаётий-ижтимоий муаммоларни

англашга ундаш, ўз-ўзини назорат қилишга одатлантириш, ўз тақдири, ҳаёт йўлига мақсадли ёндошув ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчи ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, бой маданий мерос билан таништириш, дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, уларда бадиий-эстетик дидни шакллантириш;

- ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг интеллектуал имкониятларини аниқлаб, ривожлантиришга йўл очиш. Ўқувчилар ижодкорлиги ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш учун қулай педагогик шарт - шароитлар яратиш;

- ўқувчиларда жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий меъёрларни шакллантириш;

- ўқувчиларда жамоавий ахлоқ ва турмуш тарзи қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, фуқаролик туйғуси ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўз мамлакати равнақи йўлида жонбозлик руҳида тарбиялаш;

- ватанпарварлик тарбиясини йўлга қўйиш, ўз халқи, давлатига садоқатни шакллантириш, ватан ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туришга ўргатиш. Ўқувчиларни Ўзбекистон Мадҳияси, Байроғи Тамғаси Конституциясига садоқатли қилиб тарбиялаш;

- меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш ва ижодий ёндошиш, ижтимоий мақсадларга интилиш каби ҳислатларни қарор топтириш;

- ўқувчиларда соғлом турмуш тарзига оид тушунчаларни, ўз хатти-ҳаракати ва унинг оқибатларига масъулият билан қараш ҳислатларини тарбиялаш;

- Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, бетарафлик, бошқа давлатларнинг ички сиёсатига аралашмаслик каби ташқи ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ички сиёсатини тўғри тушунтириш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мактаб кутубхонасида ўқувчиларга кутубхона хизмати кўрсатишининг асосий йўналишлари қуйидаги соҳалардан иборат бўлиши керак, деган фикрга келдик:

- ақлий-интеллектуал;
- маънавий – ахлоқий;
- ватанпарварлик;
- меҳнатсеварлик;
- ҳуқуқий;
- эстетик;
- экологик;
- жисмоний таълим-тарбия.

Ақлий-интеллектуал таълим-тарбия – ўқувчиларнинг билимлар тизими, интеллектуал кўникма ва малакалар, илмий дунёқараш, билишга интилиш маданиятини шакллантириш демакдир. Ўқувчида илм-фаннинг сирларини ўрганишга муҳаббат уйўотиш, билим эгаллашга чанқоқлик фазилатларини шакллантириш ақлий-интеллектуал таълим-тарбиянинг асосий мазмунидир. Ўқувчининг ўқув предметлари мазмунини ўзлаштиришидаги муваффақияти унинг гуруҳдаги ўрнини белгилайди.

Мактаб кутубхоналарининг ақлий-интеллектуал таълим-тарбия соҳасидаги асосий ишлари ўқув фанлари бўйича қўшимча адабиётлар фондини ташкил этиш ва уларни ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Маънавий-ахлоқий таълим-тарбия ҳам ўқувчиларни ҳар томонлама ва эркин шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ахлоқ – ижтимоий онгнинг шундай шаклларида бирики, у ўқувчиларда ҳаёт мазмуни ва мақсади, инсоний бурч, бахт, диёнат, яхшилик, ёвузлик, ҳақ ва ноҳақлик тўғрисида жамият томонидан қабул қилинган умумий меъёрларга риоя қилиш тартиблари мажмуини ўзида ифода этади.

Бундан ташқари, маънавий-ахлоқий таълим-тарбия мазмунида муҳим ўрин тутувчи фазилатлар: катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, беморларга ғамхўрлик ночорларга ёрдам кабиларни шакллантириш ҳам ўқувчи ёшлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ёшлар тарбиясида икки муҳим йўналиш, яъни халқимизнинг азалий анъаналари, қадриятларини ўзлаштириш ва замонавий турмуш тарзи, ривожланган мамлакатларга хос бўлган қадриятлардан фойдаланиш, умуминсоний тамойиллар асосида ҳаётни ташкил этиш масалаларини долзарб вазифалар сифатида ўртага қўйди. Шу боисдан ҳам барча таълим-тарбия масканларидаги каби мактаб кутубхонаси олдида ҳам ўқувчиларга миллий ва умуминсоний ахлоқ қоидалари асосида ҳаёт кечиришни ўргатишдек муҳим вазифа бугунги кунда, айниқса, долзарбдир. Ушбу вазифаларнинг ечимига ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали эришилади. Бунинг учун Ўзбек халқининг тарихий-маданий анъаналари, урф–одатлари, Ўзбек ва бошқа халқлар оўзаки ижодиёти, шарқ донишмандлари мероси ҳақидаги адабиётлар ҳам кенг тарғиб қилиниши лозим.

Миллий маданият ривожида, инсонпарварлик, эътиқодлилиқ, яхшилиқка садоқат ва табиат, атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалалари муҳим ўрин тутуди. Ўқувчи-ёшлар билан ишлашда баўрикенглиқ, динга тўғри ва объектив муносабатни шакллантириш, дин умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми эканлигини тушунтириш лозим. Ўқувчиларда илм–фанга оид билимлар эса инсон ҳаёти фаровонлигини таъминловчи ва ривожлантирувчи асосий восита эканлигини алоҳида тушунтириш зарурдир.

Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил қилишда мактаб кутубхонаси демократия, инсонпарварлик, миллий-маданий анъаналар, умуминсоний қадриятларни асос қилиб олиши керак. Ўқувчиларда, энг аввало, ўз халқининг миллий–маданий мероси, тили, анъана ва урф-одатлари, шунингдек, бошқа халқларнинг маънавий

бойликларига бўлган қизиқишларини қарор топтириш лозим. Бунда уларнинг билим доирасини кенгайтирувчи, турли халқлар маданияти билан таништирувчи адабиётлар тарғиботига алоҳида эътибор бериш керак. Ватанпарварлик тарбияси республикамиз таълим тизими олдида турган аниқ вазифаларнинг ечими билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарур. Ўқувчилар бугунги кунда рўй бераётган барча янгиланиш жараёнлари, иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳалардаги туб ўзгаришлар халқнинг фидокорона меҳнати туфайли амалга ошишини тушуниб етишлари зарур. Мустақил Ўзбекистон ўз сиёсатини фуқаролар тинчлиги ва миллий муроса концепцияси асосида қурганлиги, ҳар бир ўқувчи ўзи мансуб бўлган миллий маданиятга беқиёс муҳаббат, ўз халқи тарихига ҳурмат билан қараш зарурлигини тушуниб етиши лозим.

Ақлий ва жисмоний меҳнатга бирдай ҳурматда бўлиш каби хислатларни шакллантириш, мактаб ва кутубхона ҳамкорлигининг муҳим вазифаларидан биридир. Мактаб ёшидаги болалар учун ёзилган барча бадиий, публицистик асарлар ҳамда халқ оўзаки ижоди намуналарининг марказида ҳаёт манбаи бўлган меҳнатнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратилгандир. Бундай асарларда меҳнатнинг яратувчанлик ўрни, меҳнат кишининг гўзаллиги, меҳнат шахсни Баркамоллик сари етаклаш имкониятига эга эканлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мактаб кутубхонасининг олдида турган муҳим вазифаларидан бири – меҳнат кишилари, касблар тўғрисидаги китоблар, ўқувчиларни техник ижодкорликка ундовчи китобларни тарғиб қилишдан иборатдир.

Янги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ривожланаётган ҳозирги даврда ўқувчиларни меҳнат, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мактаб кутубхонаси ишининг мазмунида муҳим ўрин тутadi. Ривожланган бозор иқтисодиёти муносабатлари бугунги кунда жаҳонда тан олинган моддий барқарорлик ва одамларни иқтисодий жиҳатдан раўбатлантира оладиган муҳим ҳодиса эканлигини ўқувчиларга тушунтириш катта аҳамиятга эгадир. Ривожланган

бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида фаровонликка эришиш учун қатъий интизомли, замонавий билимлар, ҳаракатчанлик ва юксак касб малакасига эга бўлган мутахассис бўлиш зарурлиги, бунга фақат билим олиш орқали эришиш мумкинлигини тушунтириш керак.

Маълумки, меҳнат тарбияси жараёнида ўқувчиларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, иқтисодиёт қонунлари, имкониятларидан оқилона фойдаланишга ўргатиш муҳимдир. Бу ишлар самараси касбга йўналтириш, касб танлаган ўсмирга ёрдам бериш ва унинг маҳоратини ошириш тизимини ташкил этишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мактаб кутубхонасининг *ҳуқуқий таълим-тарбия бўйича фаолияти* ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Конституция, давлат тузуми, жамият қурилиши, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, суд ишлари ва бошқалар ҳақида атрофлича билим бериш ва тушунчалар ҳосил қилишдан иборатдир. Ҳуқуқий таълим-тарбия давлат қонунларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш, тартиб ва интизомни бузувчиларга муросасизлик руҳида тарбиялаш, халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти ва халқаро ташкилотлар фаолияти ҳақида ўқувчиларда умумий тасаввурларни шакллантиришдан ҳам иборатдир.

Ўқувчиларда ҳуқуқий билимларни эгаллаш орқали ижтимоий ҳаёт меъёрлари ва қоидаларини билиб олиши, бу борадаги тушунчаларини кенгайтириши ва мустаҳкамлашлари учун қулай шароитлар яратиб бериш мақсадида қуйидаги мавзулар ёритилган адабиётлар зарур. Ҳар бир мактаб кутубхонасида ҳуқуқий таълим-тарбияга оид ўқув ва бадиий адабиётлар бурчаги бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазири лавозимлари, Президент аппарати, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис, Қонунчилик палатаси, Сенат, сенаторлар фаолияти ва уларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқий мақоми;

-Ўзбекистон Республикаси қонунни муҳофаза қилиш муассасаларининг ташкилий тузилиши;

- БМТнинг тўла ва тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий-сиёсий мақоми ва шу аъзолик билан боғлиқ ҳолда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятлари кабилар. Таъкидлаш жоизки, мактаб кутубхонасининг ҳуқуқий таълим-тарбия бўйича ишлари ўқув жараёни билан мантиқан уйғунлашган ҳолда бўлиши керак. Кутубхонадаги тўғарак ва клублар, ҳуқуқий билимлар конференциялари, баҳс-мунозаралар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ бўлиши, умумий таълим-тарбия жараёнига мос келиши зарур.

Баркамол шахсни шакллантиришда эстетик таълим-тарбиянинг ўрни ҳам каттадир. *Эстетик таълим-тарбия* инсонда ҳиссиётнинг шаклланиши ва ривож, гўзалликни тушуниш, гўзаллик қонуниятлари асосида яшашга ўргатишдан иборатдир. Мактаб кутубхонаси ходимлари эстетик таълим-тарбия бўйича ишларни турли босқичлар, яъни ўқувчиларнинг ёши ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишлари лозим.

Биринчи навбатда ўқувчиларни Ватанимиз табиати, миллий халқ санъати, анъаналарига бой адабиётимиз, тасвирий санъат, айниқса, Шарқ миниатюра санъати, ҳайкалтарошлик, ҳунармандчилик, мусиқа ва санъатнинг бошқа турларига оид адабиётлар билан кенг таништириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчи шахсининг ҳар томонлама шаклланишида, айниқса, бадий адабиёт унга жуда катта бадий-эстетик ва ахлоқий таъсир кўрсатади. Бадий асар ўқиш эстетик идрок қилишнинг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, у ўқувчиларда кўтаринки тасаввури, бой тафаккур, асарни идрок қилиш - образли фикрлаш кўникмаси, бадий тасаввур, ижодий кечинма, бадий-эстетик дидни шакллантиради.

Мактаб кутубхонасида эстетик таълим-тарбияни таълим жараёни ва ўқувчиларнинг маънавий-бадий дид ва савияларини эътиборга олган ҳолда

амалга ошириш керак. Бу мақсадга эришиш учун санъатнинг айрим турлари, миллий ҳамда жаҳон маданиятини ўрганиш, санъатшунослик ва бошқа мавзулар бўйича тўғарак ва клублар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Экологик таълим-тарбияга оид ўқув адабиётларидан мактабдаги табиий ва аниқ фанларни ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш мумкин. Мактаб кутубхонаси илмий–бадиий, илмий–оммабоп адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни табиат тўғрисидаги тасаввурлар ва илмий далиллар оламига олиб киришга ёрдам беради. Бу китоблар инсоннинг маънавий-маданий дунёси, маданияти, ахлоқий–эстетик эҳтиёжларига таъсир кўрсатади, уларда табиатга муҳаббат, унга шафқатсиз бўлмаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатади. Мактаб кутубхонасининг экологик таълим-тарбия бўйича амалга оширадиган асосий ишлари мазмунида табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, атроф-муҳит тозалигини асраш, ер ости ва ер усти бойликларини сақлаш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, саноат чиқиндилари, сув, тупроқ ва ҳавони зарарловчи моддалар ва бошқалар ҳақида ўқувчиларга тушунча берувчи адабиётларни тарғиб қилишдан иборатдир.

Кутубхонада “Табиат шайдоси”, “Жониворларнинг дўсти”, “Жонажон ўлка», «Ҳайвонот олами” каби тўғараклар, “Ўрта Осиёнинг ўсимликлар дунёси”, “Табиат тадқиқотчилари”, “Табиатни ўрганувчилар”, “Табиатни муҳофаза қилувчилар” каби клуб ва уюшмаларини ташкил этиш мумкин.

Жисмоний таълим-тарбия ва спорт ўқувчи саломатлигини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзини таъминловчи муҳим омиллардандир. Жисмоний таълим-тарбия жараёнида соғломлаштиришгина эмас, балки соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсади ҳам амалга оширилади. Жисмоний таълим-тарбия ўқувчиларни руҳий шакллантиради, жисмоний чиниқтиради ҳамда ижтимоий–ҳаётий фаолликка ундайди. Мактаб кутубхонасининг бу йўналишдаги ишлари жисмоний таълим-тарбия ва спорт, санитария–гигиена, соғлом турмуш тарзи ёритилган бадиий, илмий–

оммабоп адабиётлар, машхур спортчиларнинг ҳаётларига оид манбаларни ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Кутубхонанинг таълим–тарбия соҳасидаги ишлари мактабнинг ўқув–тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради. У ўқувчиларни мустақил билим олишлари, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштиришлари, ижодий қобилиятлари, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Мактаб кутубхонаси фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, у ёшларнинг бўш вақтларини ўқувчи талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ методлар воситасида, оммавий, гуруҳли ва алоҳида иш шакллари орқали ташкил этади. Кутубхона ҳузурида ташкил этилган тўғарак, клуб дастурларининг ранг–баранглиги, уларнинг мазмунидаги янгиликлар, ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун имкониятлар яратади.

ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАКТАБ ҲАМДА КУТУБХОНА ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Бу эса ўсиб келаётган авлод маънавиятини истиқлол талаблари асосида шакллантириш вазифаларини амалга ошириш, мактаб кутубхоналаридаги китоб фонди ва адабиётларни ўқувчилар ўртасида кенг ва мақсадли тарғиб қилиш ишларининг самарадорлигини оширишни талаб этади. Таълим-тарбия жараёнини ташкилий-педагогик жиҳатдан тизимли таҳлил этиш, ўз навбатида, бу жараённинг белгиларини ўрганишни талаб этади. Ана шу тизимнинг марказий қисмларидан бири - мактаб кутубхонасининг Китоб фондидир.

Мактаб кутубхонасининг китоб фонди асосан дарсликлар ва фаннинг турли соҳаларига оид нашрлар, ўқитувчилар учун методик адабиётлар ҳамда бадиий асарлардан ташкил топади. Китоб фондига ўқув дастурлари бўйича синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар, мактаб ўқувчилари ва педагогик жамоа учун вақтли матбуот нашрлари, ижтимоий-сиёсий, илмий-педагогик ва алоҳида фанларни ўқитиш методларига оид адабиётлар ҳам киради. Бу эса китоб фондида универсал ёки бошқача қилиб айтганда, барча фан тармоқларига оид асарлар бўлишини талаб этади. Китоб фонди ўқувчиларга тўлақонли таълим-тарбия беришнинг барча йўналишлари: ақлий, ахлоқий, ватанпарварлик, меҳнат, эстетик, жисмоний таълим-тарбия ҳамда касбга йўналтиришга оид адабиётлардан ҳам иборат бўлади.

Кутубхона фондининг асосини китоб ташкил этиши лозим. Китоблар - мактаб кутубхонасининг асосий иш мазмунини бажаришга хизмат қилувчи нашрлардир. Уларга мактабнинг ўқув дастури бўйича ва синфдан ташқари ўрганилиши шарт бўлган бадиий асарлар ва дастурга киритилмаган классиклар ҳамда машҳур замонавий ёзувчиларнинг асарларини киритиш

мумкин.

Шу билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий, табиатшуносликка оид илмий-оммабоп адабиётлар, техника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва соўлиқни сақлаш, санъат, фалсафа, жисмоний тарбия ва спорт, адабиётшунослик, педагогика, фан соҳалари бўйича методик адабиётлар киритилиши керак. Шунингдек, мактаб кутубхонасининг китоб фондига ўқувчиларнинг ўқув вазифаларини бажариши ҳамда педагогларнинг дарсга тайёргарлик кўришлари учун зарур бўлган луғатлар, маълумотлар, энциклопедик асарлар ва турли библиографик нашрлар киритилиши зарур. Албатта, ўқув дастурига кирмаган адабиётлар, яъни маълумотномалар, энциклопедиялар камроқ нусхада олинади, чунки улар учун маблағ ажратиш имконияти муайян даражада чекланганлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик зарур.

Маълумки, мактаб кутубхонаси фондининг таркиби ва нашрларнинг нусхаси мактабда таълим қайси тилда амалга оширилиши, қандай хорижий тилларнинг ўргатилиши, ўқувчи ва педагогик жамоанинг таркиби, миллий хусусиятлари, ҳар бир мактабнинг ўз олдига қўйган вазифасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мактаб кутубхоналарининг ҳар бирида мустақил республикаимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид адабиётлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, давлат тамғасимиллий байроғимадҳияси мазмунини очиб берувчи, республика сиёсати, иқтисоди ва маданиятига оид адабиётлар бўлиши зарур.

Аниқланган маълумотлар шундан далолат берадики, бугунги кунда мактаб кутубхоналари фондида асосий ўринни бадий асарлар эгаллаб Келмоқда. Маълумки, бадий асарлар инсонни ҳар томонлама ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бадий асарлар мазмуни Ўзбек ва жаҳон классиклари асарлари, халқ оўзаки ижоди, ҳозирги замон машҳур ёзувчиларининг асарлари, шеърӣ тўпламлар, илмий-фантастик ва саргузашт, географик кашфиётлар ҳақидаги адабиётлар, табиат ва унга

муҳаббат, ҳайвонот дунёси, болалар ва ўсмирлар ҳаёти ҳақидаги адабиётлардан ташкил топиши зарур. Бадий асарлар, асосан, “Мактаб кутубхонаси”, “Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси”, “Халқ китоблари”, “Ажойиб кишилар ҳаёти” каби туркумларда чиққан нашрлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарабини шакллантиришда табиий-илмий адабиётларнинг аҳамияти каттадир. Ўқувчиларда фан асослари, унинг тарихи, табиатшунос олимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги адабиётлар катта қизиқиш уйғотди. Кутубхона фондида юқоридаги масалалар бўйича илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда машҳур фан-арбоблари ҳақидаги нашрлар бўлишига катта эътибор берилиши лозим. Бундай адабиётлар Ўзбек тилида камроқ чоп этилганлиги сабабли рус тилида чоп этилган асарлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўқувчиларнинг умумтехникавий дунёқарабини кенгайтириш учун кутубхона фондида техникага доир адабиётлар ҳам тўпланиши мақсадга мувофиқдир. Шу боисдан ҳам болаларнинг техник ижодкорлигини ўстиришга ёрдам берувчи адабиётларга эътибор қаратиш лозим. Бу адабиётлар жумласига ёш математиклар учун адабиётлар, тупроқ, ўсимликлар ва дарахтларни ўстириш, ҳайвонларни боқиш ва бошқалар ҳақидаги нашрлар киради.

Тасвирий санъат, мусиқа, меъморчилик, театр, кино, фотография, актёрлар ва санъаткорлар ҳаёти ва ижоди, шунингдек, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларимизни тиклаш ҳақидаги асарлар ўқувчиларда бадий эстетик дидни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мактаб кутубхонаси фондини шундай асарлар билан бойитиш лозим.

Мактаб кутубхонаси фондини шакллантириш, адабиётлар танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, яъни бошланғич синфлар I-IV, умумий ўрта таълим тизимининг ўрта бўғини V-IX ва юқори X-XI синф ўқувчилари ҳамда ўқитувчилар учун табақалаштирилган китоб

фондини яратиш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Ҳозирги шароитда мактаб кутубхоналари фондининг соҳалар бўйича таркиби, ўқувчиларни китоб билан таъминланиш меъёри қандай бўлиши керак? деган савол кўпчилик кутубхоначилар ва ўқитувчиларни қизиқтирмоқда. Бунга аниқ меъёрларни кўрсатишнинг иложи йўқ, чунки мактаб кутубхонаси фондининг таркиби шу мактаб жойлашган минтақа (шаҳар ёки қишлоқда эканлиги), мактаб тури, таълим қайси тилда амалга оширилиши ва бошқа бир қатор шароитларга боғлиқдир. Шунга қарамасдан, сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар хулосалари, амалий тавсияларга асосланиб, мактаб кутубхонаси фонди ихтисослашган таркибининг қуйидаги намунавий кўринишини тавсия этамиз.

4-жадвал

Мактаб кутубхонаси фондининг мазмун жиҳатдан таркиби

1	ФАН СОҲАЛАРИ	Мавжуд адабиётларнинг умумий фондга нисбатан фоиз кўрсаткичи
1.	Ижтимоий фанлар	8-10
2.	Бадиий адабиётлар	58-60
3.	Табиий фанлар	5-6
4.	Техника фанлари	3-4
5.	Қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар	0,5-1
6.	Соўлиқни сақлаш. Медицина	1,5-2
7.	Санъат	1,5-2
8.	Маданият	2-3
9.	Педагогика фанлари. Методик адабиётлар	7-8
10.	Жисмоний тарбия ва спорт	0,5-1
11.	Фалсафа (мантиқ, этика, эстетика)	0,5-1
12.	Универсал мазмунли адабиётлар (Библиографик қўлланмалар, маълумотнома нашрлар, луғатлар,	1,5-2

Соҳага оид кўрсаткичларнинг китобхонлар талабига мутаносиб бўлиши соҳалар бўйича китоб тақсимотининг мактаб кутубхонаси китоб фондига мос келиши ёки кўпроқ бўлиши билан белгиланади. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг адабиётлар билан таъминланиши кутубхонанинг аниқ имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда китоб фондидан фаол фойдаланиши орқали амалга оширилади. Болалар учун чоп этилган адабиётлар ҳажмини эътиборга олганда ҳозирги кунда ҳар бир ўқувчига 20 та адабиёт тўғри келиши (дарсликлардан ташқари) нисбатан яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Китоб ва бошқа ҳужжатларнинг мутаносиб (оптимал) нусхаси қандай бўлиши ҳақида бугунги кунга қадар илмий асосда ишлаб чиқилган аниқ тавсиялар мавжуд эмас. Лекин мўлжал сифатида кейинги йилларда қилинган ишларга асосланиб қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

Ўқув дастури талаблари бўйича ўрганиладиган бадиий асарлар: ҳар 2 ўқувчига 1 китоб; синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар: I-IV синфлар учун 8 ўқувчига 1 китоб, V-IX синфлар учун 5 ўқувчига 1 китоб.

Шунингдек, тарих ва ижтимоий фанлар бўйича қўшимча адабиётлар: 5 ўқувчига 1 китоб; география, биология, физика ўқув фанлари бўйича қўшимча адабиётлар 10 ўқувчига 1 китоб; факультатив дарслар учун ўқув қўлланмалари 15 нусхадан кам бўлмаслиги ёки дарсга қатновчи ҳар бир ўқувчи учун 1 та китоб тўғри келиши керак. Турли хил луғатлар: инглизча-Ўзбекча, немисча-Ўзбекча, русча-Ўзбекча ва ҳоказолар 2 та ўқувчига 1 китоб тўғри келишини мўлжаллаш лозим.

Албатта, юқоридаги тавсияларни ҳар бир мактаб кутубхоначиси ёки шу соҳа бўйича масъул ходимлар ўзларининг тасарруфларида бўлган мактабларнинг имкониятлари, қайси соҳаларга ихтисослашганлиги, таълим қайси тилда амалга оширилиши ва бошқа бир қанча омилларни эътиборга

олган ҳолда ҳар бир мактаб кутубхонаси учун кутубхона фондини мустақил, ишга ижодий ёндашган ҳолда амалга оширишлари лозим.

Мактаб кутубхонасининг иш фаолиятида вақтли матбуот асарлари фонди ҳам катта аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз ва чет эллардаги янгиликлар, ижтимоӣ-сиёсий ўзгаришлар, муҳим воқеа ва ҳодисалар кундалик ижтимоӣ-сиёсий газета ва журналларда қайд этиб борилса, илм-фан ютуқлари, педагогика ва халқ таълими соҳасидаги илмий изланишлар, кашфиёт ва янгиликлар, илғор иш тажрибалари, янги бадиий асарлар илмий-оммабоп, услубий газета ва журналларда чоп этилади. Шунинг учун мактаб кутубхонаси фонди ўз имкониятлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда газета ва журналларга обуна бўладилар. Ўқувчилар учун республикамізда чоп этиладиган “/унча”, “Гулхан”, “Тонг юлдузи”, “Туркистон”, “Ёшлик”, «Китоб дунёси» каби газета ва журналлар, “Шарқ юлдузи” каби ижтимоӣ сиёсий ва бадиий журналлар ҳамда ўқитувчилар учун “Халқ таълими”, “Бошланғичтаълим”, “Узлуксиз таълим”, “Мактаб ва ҳаёт” каби журналлар кутубхонада бўлиши зарур деб ўйлаймиз.

Мактаб кутубхонасининг китоб фонди тарғиботида кутубхонанинг маълумотнома-библиография аппарати муҳим аҳамиятга эга. Маълумотнома-библиография аппарати таркибига каталог ва картотекалар тизими, маълумотнома-библиография фонди, бажарилган маълумотномалар картотекаси киради. Лекин республикаміз мактаб кутубхоналарининг барчасида каталог ва картотекалар тизими мавжуд эмас. Мактаб кутубхонасида қуйидаги каталог ва картотекалар бўлиши зарур:

1. Кутубхонада бутун китоб фонди учун алфавит каталог бўлиши;
2. Уч қисмдан иборат тизимли каталог – бошланғич- I-IV, V-IX ва X-XI синф ўқувчилари учун ўқув ҳамда бадиий адабиётлар ҳамда ўқитувчилар учун педагогик ва методик адабиётлар каталоги бўлиши;
3. I-IV синф ўқувчилари учун расмли, кўп мавзули картотекалар бўлиши;

4. Газета ва журнал мақолалари умумий картотекаси.
5. Мавзули картотекалар.
6. Алоҳида синфлар учун тавсия қилинган адабиётлар рўйхатлари.

Шу билан бир қаторда мактаб кутубхонасида маълумот берувчи нашрлар: энциклопедиялар, ҳар хил луғатлар, библиографик қўлланмалар ҳам бўлиши керак. Бу турдаги адабиётлардан ўқувчилар ҳам, педагоглар ҳам фойдаланадилар. Мактаб кутубхоначиси эса педагогларнинг касбига оид ва ўқувчиларнинг адабиётга бўлган эҳтиёжларини қондиришда маълумот-библиография аппаратида фойдаланади.

Мактаб кутубхонаси фондини тарғиб қилишнинг оммавий шакл ва методлари фақат кутубхонанинг иш фаолиятигина эмас, балки мактаб таълим-тарбия жараёнининг бир қисми сифатида кўпгина ўқув муассасалари амалиётида қўлланилаётганлиги кузатишларимиз натижасида аён бўлди.

Мактаб кутубхонасидаги оммавий тадбирларнинг самарадорлиги ўқувчи-китобхонларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда адабиётлар тарғиботининг оммавий турларини танлай билишни тақозо этади. Танланган оммавий тадбирлар эса кутубхоначи ва ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Мактаб кутубхонаси томонидан ташкил қилинадиган адабиётлар тарғиботи оммавий шаклларининг асосий мақсади ўқувчиларда бирор бир фан соҳасига ёки мавзуга қизиқишни шакллантириш ва уни изчил такомиллаштириб боришга қаратилади. Оммавий таълим-тарбия шакллари ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик фазилатларини таркиб топтириш йўли билан ёшларни Баркамолликка онгли сафарбар этишдан иборатдир. Оммавий тадбирлар ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларни мустақил равишда билим олишга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

Оммавий тадбирларнинг асосий шакллари-овоз чиқариб ўқишлар, китоблар кўргазмаси, адабий ўйинлар, китобхонлар конференцияси, китобларни таҳлил қилиш, янги китоблар муҳокамаси, китоблар ҳафталиги ва бошқалардир.

Овоз чиқариб ўқиш усули бошланғич синф ўқувчилари ўртасида қўлланганда кутилган самара беради. Бу тадбир ўқувчиларнинг мустақил ўқиш жараёнида эътибордан четда қолган ҳолатларни илўашларига имкон беради. Бу ўқувчиларнинг воқеа-ҳодисаларни идрок этиш жараёнини жадаллаштиради. Кутубхоначи ёки ўқитувчи матнни овоз чиқариб ўқиётганида асар матни болаларга қандай таъсир этаётганини кузатиши ва аниқ ҳис қилиши, ўқиладиган адабиётдаги материалларнинг ўқувчиларга таъсир этиши, уларнинг ҳиссиётларини ифода уйғотишга эришиши лозим. Овоз чиқариб ўқишлар мунтазам равишда ҳафтанинг белгиланган куни ва соатида ўтказилиши унинг самарадорлигини оширади.

Кутубхоначи ўқитувчи билан ҳамкорликда ўқувчиларга овоз чиқариб ўқиган китоблари юзасидан гуруҳли суҳбатлар ўтказиши мумкин. Бунда кўпроқ болаларнинг ҳис-туйғуси, олинган таассурот ва кечинмаларига суяниш, насиҳатгўйликдан имкони борича қочиш керак. Бундай оммавий тадбирларнинг самарали ўтиши кўп жиҳатдан кутубхоначи ҳамда ўқитувчининг маҳорати ва танлаган асарининг таъсирчанлик кучига боғлиқдир.

Оммавий таъсир кўрсатишнинг муҳим шаклларида бири адабий ўйинлардир. Адабий ўйинлар мактаб кутубхонасида кутубхоначи, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида ўтказиладиган оммавий тадбирлардан бири бўлиб, улар ўқувчиларнинг ўз вақтларини фойдали, самарали ва мароқли ўтказишларига ёрдам беради. Уларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришга кўмаклашади. Адабий ўйинларга тайёрланиш жараёнида ўқувчиларнинг китобхонлик кўникмалари фаоллашади. Уларни бадиий, илмий адабиётлар, турли луғатлар, маълумотнома нашрлардан фойдаланиш,

қизиқарли саволлар, топишмоқлар ўйлаб топишга ўргатади. Ўқувчилар китоб ёрдамида мустақил билим оладилар, ўзларига топширилган вазифаларни аниқ ва ўз вақтида бажариш, иштирок этаётган гуруҳ олдидаги масъулиятларини ҳис этишга ўрганади. Адабий ўйинлар ўқувчиларнинг ўқиш кўникмаси, бадиий-эстетик дидларини оширади. Уларнинг билим доиралари, мушоҳадаларини кенгайтиради, мулоҳазали фикр юритишга ўргатади. “Бу фикр кимники?”, “Бу қаердан олинди?”, “Биласизми?” каби адабий ўйинлар ўтказиш шубҳасиз яхши самара беради. Юқори синфларда эса ўқув фанлари бўйича викториналар, ўткир зеҳнлилар, топишмоқлар ва ҳоказо шаклларда адабий ўйинлар ўтказиш таълим-тарбия жараёнининг сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Мактаб кутубхонасида ўтказиладиган оммавий тадбир турларидан яна бири китобхонлар конференциясидир. Бу тадбир, асосан юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Барча китобхонлар конференциясининг асосий мақсади ҳам ўқувчи- китобхонларнинг ўқиган китобларини чуқур таҳлил қила олиш қобилиятини мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу билан бир қаторда бу тадбир ўқувчиларда китобга нисбатан жиддий муносабатни шакллантиради, уларнинг асар юзасидан жамоавий фикрларини қарор топтиради.

Китобхонлар конференциялари фан-техника, маданият, санъатга оид маълум бир муаммо, мавзу ёки бирор-бир ёзувчининг асарига баъишлаб ўтказилиши мумкин. Кутубхоначи ва ўқитувчи бу тадбирни ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўриши лозим. Тайёргарлик жараёнида ўқувчилар синф раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Мактаб кутубхоначиси ташкилотчи раҳбар сифатида барча ишларни: конференция мавзуси, муҳокама қилинадиган саволларни бир-икки ой олдин белгилаб, режалаштирилаётган тадбир режасини тузиб чиқади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтказиладиган конференциянинг мавзуси долзарб бўлиб,

ўқувчиларнинг қизиқишлари ва мактабнинг таълим-тарбиявий вазифаларига мос бўлиши керак.

Мактабдаги умумий китобхонлар конференцияларидан фарқли тарзда кутубхонада ҳам ўқувчилар иштирокида китобхонлик муаммоларига баъишлаб махсус китобхонлар конференцияларини ҳам ташкл этиш мумкн. Мактаб кутубхонаси томонидан ўтказиладиган китобхонлар конференцияси муаммоли ва ҳисобот тарзда бўлиши мумкин. Китобхонлик муаммосига бағишланган конференцияларнинг мазмуни ижтимоий-сиёсий воқеалар, илмий ва маданий ҳаётдаги янгиликларга боғлиқ бўлади. Бундай конференциялар юқори синф ўқувчиларининг қизиқишларини ўрганиш асосида ташкил қилинади. Бунда уларнинг китобхонлик даражаси эътиборга олинади.

Ҳисобот конференциясини “Биз йил давомида қандай китобларни ўқидик” деган мавзуда ўтказиш мумкин. Китобхонлар конференциялари мактаб кутубхонасида ўтказиладиган оммавий тадбирларнинг энг мураккаб турларидан биридир. Шунинг учун китобхонлар конференцияларига долзарб мавзуларни танлаб, уни жиддий тайёргарлик кўргандан сўнг ўтказиш талаб этилади.

Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг яна бир шакли бадий асар таҳлили бўлиб, бунда долзарб масалага бағишланган адабиётлар ҳақида ўқувчиларга маълумот беришдан иборатдир. Таҳлиллар тавсия ҳамда ахборот характериға эға бўлади. Бадий асар таҳлилини тайёрлашда ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши ҳисобға олинади. Таҳлил учун адабиётлар сонини белгилашда мавзунинг кенглиги, кутубхона фондидаги мавжуд адабиётлар ҳажми, албатта, ҳисобға олинади. Таҳлил учун 5тадан 12 тагача адабиёт танланиб, тадбир 20-25 дақиқаға мўлжалланиши керак. Бадий адабиётлар таҳлили мустақил, педагогик иш шакли ҳисобланиб, кўпинча китоб кўргазмалари олдидан адабий кечалар, китоб муҳокамалари каби тадбирлар билан биргаликда амалға оширилади.

Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда китоблар муҳокамалари ҳам алоҳида ўрин тутати. Китоблар муҳокамасини V-IX ҳамда X-XI синф ўқувчилари билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Китоблар муҳокамаси кўпинча бадиий асарлар тўғрисидаги эркин мунозара ҳисобланади. Бу тадбирларнинг ижобий томони шундаки, қизиқарли муҳокама ўқувчининг мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради. Китобга нисбатан интилишни кучайтириб, ўқувчиларнинг кузатувчанлигини оширади, бадиий эстетик дидини бойитади.

Кутубхоначи ва ўқитувчи муҳокамадан олдин муҳокама қилинадиган китобни ҳамкорликда танлайди, муҳокама мазмунини очадиган саволларни тайёрлайди. Китобни танлашда унинг мафкуравий, эстетик, таълим-тарбиявий жиҳатлари ва китобхонлар гуруҳининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Китоблар муҳокамаси ўқувчини бадиий адабиёт ҳақида кенг фикрлашга ўргатади, ўқувчиларни юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга имкон туўдиради.

Ўтказилган педагогик кузатишлар натижалари шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда “Китоб ҳафталиги” ўтказиш ҳам яхши натижалар бермоқда. Ҳафталик комплекс тадбир бўлиб, бунда янги ёки бирор мавзуга оид китоб-кўрик кўргазмалар ташкил этилади, адабиётлар таҳлили ўтказилади. Ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ва адабий кечалар ташкил қилиниши ҳам мумкин. Бу тадбир ҳафта мобайнида ўтказилади ва бу даврда мактабдаги барча таълим-тарбиявий ишлар шу тадбирга қаратилган бўлиб, уни байрам руҳида ўтказиш тавсия этилади.

Республикамиз мактаблари илғор иш тажрибаларидан шу нарса маълум бўлдики, оммавий тадбирлардан яна бири “Энг яхши фойдаланилган дарсликлар кўриги”ни ўтказиш кутилган самараларни бериб келмоқда. Бу тадбир мактаб кутубхоначиси, синф раҳбарлари ҳамкорлигида ўтказилиб, ҳар бир синф фойдаланилган дарсликлар кўригини ташкил қилади ва ғолиблар

аниқланади. Мактаб маъмурияти томонидан кўриқда ўлиб чиққан синф ўқувчилари рағбатлантирилади. Бу тадбир мактаб кутубхоналарида ўқув фондларини асраш, авайлаш, болаларда китобга нисбатан ҳурмат ва эҳтиёткорликни тарбиялайди.

Хулоса қилиб айтганда, мактаб кутубхонасида ўтказиладиган оммавий тадбирлар ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиради, дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг ахлоқий-эстетик сифатларини қарор топтиради. Тадбирлар ўқувчиларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ўз миллати, аجدодлари яратган маданий-маърифий бойликлар билан фахрланиш ҳиссини уйғотди. Тадбирлар мунтазам равишда, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кутубхоначи ва мактаб ўқитувчиларининг ҳамкорлигида ташкил этилсагина ўз самарасини беради.

Ўқувчиларга кутубхона хизмати кўрсатишда уларнинг ёш хусусиятларига эътибор бериш зарур, чунки уларнинг ёш хусусиятлари, китобхонлик маданиятининг шаклланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда болалар китобхонлиги бўйича ўтказилган бир қанча тадқиқотларда улар қуйидаги ёш гуруҳларига ажратилган ва болаларнинг ўзига хос китобхонлик хусусиятлари очиб берилган:

- ◆ 6-9 ёшли;
- ◆ 10-13 ёшли;
- ◆ 14 ва ундан катта ёшлилар.

Маълумки, 6-9 ёшли китобхонларнинг ташқи муҳит билан барча муносабатлари катталар ёрдамида амалга оширилади. Бу ёшдагиларда адабий асарга муносабатнинг умумийлиги, китобга бўлган муносабат ҳис-ҳаяжонга тўлалиги, туйғларнинг кўтаринкилигида кўриш мумкин. Китобларда ҳаётда уларга таниш бўлган қувончли воқеалар акс эттирилади. Бу ёшдаги болалар тасодифан содир бўладиган, улар учун янгича бўлган нарсаларни кўпроқ севадилар ва эслаб қоладилар. Болалар юз бераётган жараёнлар моҳиятини англаш, хулқ-атворлар ва воқеалар ўртасидаги боғлиқликни тушунишга

қараганда қаҳрамонларнинг ҳаракати ва хулқ-атворини жиддийроқ идрок этишлари билан ажралиб турадилар. Бу ёшдаги болалар асарнинг ғоявий азмунини кўпинча қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, асардаги воқеаларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда тушунадилар. 6-9 ёшли китобхонлар кутубхоначи ва педагогда ақлли, меҳрибон суҳбатдош, китобларни яхши билувчи ва севувчилик фазилатларини кўргандагина уларнинг тавсияларига ишонч билан қарайдилар. Ўқувчиларда китобхонлик маданиятининг шаклланишида бу жуда муҳим. Бу гуруҳга мансуб китобхонлар учун оммавий тадбирлар тайёрлаш ҳамда ўтказишда ўқитувчилар ва кутубхоначилар улар учун умумий бўлган хусусиятларни ҳисобга олишлари зарур бўлади.

10-11 ёшлилар эса мураккаб гуруҳга мансуб китобхонлардир. Бу ёшдаги ўқувчилар энди катталарга унча ишонавермайдилар ва улар билан осонликча мулоқотга киришмайдилар. Бу давр ўқувчида билиш кўникмаларининг ривожланиши ва ижтимоий жиҳатдан ўз-ўзини англаши учун муҳимдир. Уларда кинофильмлар, телевидениедаги кўрсатувлар, компьютер техникалари, интернет сайтларидаги маълумотларга қизиқиш ортиб боради. Саёҳатлар қилиш, айниқса, янгиликларни билиш, ҳаёт ҳақиқатлари ва турмуш ҳодисалари тўғрисида фикрлашга қизиқиш кучаяди. Уларнинг кўпчилиги китобни дўст, ҳаёт дарслиги сифатида қабул қиладилар. Бу хислатлар асосан болаларда китобхонлик маданияти шаклланишига таъсир кўрсатувчи субъектлар - ўқитувчи, кутубхоначи ва ота-оналарнинг таълим-тарбиявий чора-тадбирлари таъсири натижасида ҳосил бўлади.

Бу ёшда болаларга асар қаҳрамонларининг одоб-ахлоқи, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва қилмишлари туфайли намоян бўладиган асарлар ёқади, бироқ улар ахлоқ, панду-насихатларни севмайдилар. 10-11 ёшли ўқувчилар адабий матнлар ўртасидаги тафовутни сеза бошлайдилар, улар энди фақат табиатшунослик, халқ оўзаки ижоди намуналаринигина эмас, балки бошқа турдаги бадиий асарларни ҳам ўқий бошлайдилар. Бу гуруҳга мансуб

китобхонларда фуқаролик ва ижтимоий фаоллик ҳисларини шакллантиришда Ватан ва унинг қаҳрамонона ўтмиши тўғрисидаги китоблар катта ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам ўқувчилар билан ўтказиладиган тадбирларда мазкур омилга алоҳида эътибор бериш керак.

12-13 ёшли китобхонлар гуруҳининг муҳим хусусияти мустақил фикрлаш ва баҳолаш жараёнининг бошланишидир. Бу ёшдаги ўқувчиларда илгаригига кўра содда, маъқулловчиликдан фарқли тарзда, бу ёшда ўз шахси, имкониятларини намоян этиш ва уларни объектив баҳолашга кўпроқ оғли ёндошиш ҳислатлари ортиб боради. Улардаги билим олишга интилишга қаратилган сўровлар оғли тарзда бўлиб, борган сари шахсий қизиқишга айланади. Бу ёшдаги кишилар тақдири, жамият ҳаёти, бахт, севги, дўстлик каби масалалар кўпроқ тўлқинлантиради. Баъзи ўқувчиларда айрим ўқув фанларига қизиқиш ва уни ўзлаштиришга нисбатан иштиёқ пайдо бўлади. Янги кашфиётлар ва ихтироларга ўз муносабатларини билдирадилар, техникага қизиқиш кучаяди, турли тўғаракларга ихтиёрий тарзда қатнаша бошлайдилар. Бу гуруҳга мансуб китобхонларда билим берувчи адабиётларни ўқишларига асосий сабаб, шахсий қизиқиш ва ҳавас билан боғлиқ бўлган билим олишдир. Бунда мактаб жамоаси ва ўқитувчининг таъсири ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Бу ёшдаги ўйил ва қиз болаларнинг китоб ўқиши, сўровларнинг табиати, адабиётларга мурожаат этишида фарқлар пайдо бўла бошлайди. Ўйил болалар техника, физика, математикага оид китобларни ўқишни афзал кўрадилар. Қиз болалар эса кўпроқ машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти, санъат, адабиётшуносликка оид асарларни ўқишни ёқтирадилар, катталар учун мўлжалланган китоблар уларни кўпроқ ўзига жалб эта бошлайди. Бу ёшдаги китобхонларнинг барчаси учун саргузашт китобларга қизиқиш умумийдир.

14 ва ундан катта ёшдаги ўқувчиларда ижтимоий фаоллик ортиб боради. Ўзини англаш ва ахлоқий идеал топишга интилиш, турли машғуллот ва спорт

турларини танлаш уларнинг барчаси учун хосдир. Бу даврда ўқувчиларнинг бир қисми илгариги ёшдагига нисбатан камроқ китоб ўқий бошлайди. Бошқаларининг эса китобхон сифатидаги фаоллиги ортиб оради, қизиқишлари ривожланади ва кенгаяди. Бу ёшда болаларда мустақил билим олишга интилиш сезила бошлайди. Лекин улар ижтимоий тараққиёт қонунларини акс эттирувчи тушунчалар моҳиятини ифода этувчи фалсафий, тарихий, сиёсий ғоялар баён этилган адабиётларни ўқишни унчалик хуш кўрмайдилар. Бу ёшда болаларнинг муҳим хусусияти - катта ёшдаги китобхонлар учун мўлжалланган бадиий асарларни ўқишга қизиқишини кучайишидир. Бу ҳодиса қизларда ўйил болаларга нисбатан барвақтроқ содир бўлади.

Бу даврда ўқувчиларда китобхонлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий-психологик муҳитнинг таъсири ортади. Бу ёшдагиларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири уларнинг турли панд-насиҳатларни ёқтирмаслигидадир. Агар китобхон ўқитувчи ёки кутубхоначининг билими, тажрибасини ҳурмат қилса, уни тушунишларига ишонсагина, улар билан мулоқотда бўлади. Шунинг учун бу ёшдаги ўқувчи-китобхонлар билан уларнинг хоҳиш-истакларини ҳар томонлама ўрганиб, китобхонлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган таълимий-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш лозим.

Мактаб кутубхонасида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва таълим-тарбияни ташкил этиш принципларидан келиб чиққан ҳолда уларни қуйидагича гуруҳларга бўлинсагина ўқувчиларда китобхонлик маданияти самарали шаклланади. Булар:

- ◆ Бошланғич синфлар, яъни I-IV синф ўқувчилари;
- ◆ V-IX синф ўқувчилари;
- ◆ Юқори X-XI синф ўқувчилари гуруҳи.

Ўқувчиларни бундай гуруҳларга бўлиш уларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари ҳамда уларга таълим-тарбия жараёни мазмунидан келиб чиққан

ҳолда китобхонлик маданиятини шакллантириш ҳамда адабиётлар тарғиботининг самарали усулларида фойдаланишни ташкил этиш мумкин.

Шунингдек, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда бир қанча анъанавий омиллар: шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мавжуд тафовутлар, кутубхонанинг китоб фонди, китобхонлар интилишларини мақсадли йўналтириш, китоб танлаш жараёнларининг илмий мониторингини ташкил этиш, кутубхона моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчилар қизиқишларининг ранг-баранглиги бевосита таъсир кўрсатади.

Айни пайтда ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда уларнинг ёш хусусиятлари, гендер (жинсий) фарқларини жиддий эътиборга олиш зарурлиги, шу билан бир қаторда мактаб раҳбарлари, фаол жамоатчилиқ ва синф раҳбарларининг ўқувчиларнинг китобхонлик жараёнарига бевосита таъсир ўтказишларини эътиборга олиш лозим. Шунингдек, мактаб кутубхонасининг самарали фаолият кўрсатишида кутубхоначи, унинг маълумоти, иш стажи ва ўз касбига бўлган қизиқиши ҳал этувчи омиллардан бири эканлиги кузатишларимиз натижаларида тасдиқланди.

Тадқиқотимизда мактаб кутубхоналарининг ўқитувчилар билан ҳамкорликдаги иш шакллари кутубхоначиларнинг ижтимоий-педагогик ҳамда касбий фаолиятлари билан боғлиқ вазифалар ўзаро уйғунлиқ назарий асосланади. Мактаб кутубхонасининг таълим-тарбия жараёнидаги муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш биргина кутубхоначининг вазифасигина эмас, балки ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳам вазифаси бўлиб, фақат онгли ёндашувни биргаликдагина амалга оширишни тақозо қиладиган жуда ҳам мураккаб жараёндир. Шунинг учун бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил фикр юритишга қарор қилдик.

Ўқиш маданияти жуда кенг маънодаги тушунча бўлиб, китобга қизиқиш ва уни севиш, адабиёт билан кенгроқ танишиб, китоб билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлиш, шунингдек китобдан тўла равишда фойдалана билишда ёрдам берувчи кўникмаларни эгаллашдан иборат.

Китобхонлик маданияти ўқувчига ўқиётган асарини тўлақонли тушуниш, ундан бадиий-эстетик завқ олиш, ёзувчи фикри, асар ғоясини англаш ва баҳолай олиш, бундан ташқари китоб ва кутубхонадан фойдаланиш, маълумотнома-библиографик аппаратида ўзини қизиқтирган ёки зарур масалаларга доир китобларни топиб олиш ва ундан фойдаланиш йўлларини ўргатади. Китоб танлаш, уни тез ўқиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия этиш, авайлаб сақлаш ҳам китобхонлик маданиятининг таркибий қисмларига киради. “Китобхонлик маданияти” тушунчаси кенг маънода қўлланилади. Хусусан, бу ҳодиса асарни англаш ва уни тушуниш учун китобхондан маълум тайёргарлик ва савияни талаб қилади. Бу ҳодисанинг моҳияти китобни шунчаки варақлаш ва ундан умумий фойдалана билишдан то ижодий ўқиш, китоб муаллифига ошно бўлиб, унинг асарини чуқур таҳлил қилиб мутолаа қилишгача боради.

Ўқиш-бу меҳнат ва ижод. Илмий китобни ўқиб тушуниш учун ҳам меҳнат қилиш керак. Фақат илмий китобни эмас, балки бадиий асарни тушуниб ўқиш учун ҳам китобхон маълум даражада онгли ҳаракатларни амалга ошириши, муайян тушунчага эга бўлиши лозим.

Илмий, ижтимоий, сиёсий адабиётларни ўқишда уни тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Бу осон иш эмас, албатта. Китоб мазмунини тушунмаслик ёмон, уни нотўғри тушуниш ундан ҳам ёмон. Ўқиш жараёнида турлича фикр ва саволлар пайдо бўлади. Муаллиф фикрига қўшилиш ёки инкор қилиш ўқувчиларнинг фикрини бойитади, чуқурлаштиради.

Китобхонлик маданиятида адабиёт танлашда юқори дидга эга бўлиш, кутубхоначилик маълумоти ва библиографик билимларга эга бўлиш, китоб

билан ишлаш, янги нашрлар, рўзномалардан фойдалана билиш ҳам китобхонлик маданиятини шакллантиришда муҳимдир.

Ўқиш-ақлий меҳнатнинг кенг тарқалган шаклидир. Кутубхоначи ва ўқитувчининг вазифаси унинг яна ҳам самаралироқ бўлишини таъминлашдан иборат. Билим олиш учун ўқишни ташкил этган китобхон ўзини ўраб турган муҳит, табиат, инсониятни тушуниш, ўзининг ҳаётда тутган ўрнини белгилаш, дунёқарашини кенгайтириш ва касбий кўникмаларини такомиллаштириш учун китоб билан ишлаш қоидаларини билиши ва унга амал қилиши шарт. Китоб билан самарали иш олиб боришнинг муҳим шартларидан яна бири ўқувчининг руҳий омилларини ҳисобга олишдан иборат. Китоб билан ишлашдан олдин ўқувчи ўзини руҳан тайёрлаши керак: “Мен ўқий олмайман”, “барибир ҳеч нарса тушунмайман”, “ўқиш қийин” деган фикрлардан холи бўлиши зарур. Аксинча, “мен ўқий оламан”, “улгураман”, “тушуна оламан”, “мақсадимга эришаман” деган ишонч билан мутолаага киришиш лозим. Баъзи ўқувчилар ўқишга жуда тез киришиб кетади, тез ўқийди, шошади, бу эса уни тез чарчатади, кўзи толикади, асаб толалари чарчайди.

Китоб билан ишлашни тўғри ташкил этишнинг муҳим шартларидан яна бири ўқишга узвий ва изчил тартибда киришишдан иборат. Бу бутун ўқиш жараёнида сақланиб қолиши керак. Китобнинг тушуниш қийин, мураккаб ўринларини тушуниб олиш учун қайта- қайта ўқиш зарур бўлади. Асосийси қанча ўқиш эмас, ўқилганни уқиб боришдир. Ўқиш жараёнида кетма-кетлик ва мунтазамлик муҳим аҳамиятга эга. Бу нафақат вақтни тўғри тақсимлаш, балки танланган материални тўла ўзлаштириб олишга таъсир кўрсатади.

Танланган матнни тўла қабул қилиш, тушуниш, ишнинг тезлиги, муваффақияти ўқувчининг ўз диққат-эътиборини қанчалик бошқара олишига ҳам боғлиқдир.

Бадий асарни ўқиш, илмий-оммабоп адабиётларни ўрганиш жараёнида биринчи галда умумий диққатни бир нуктага тўплаш, матнни тўла ва чуқур

Ўзлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Илмий, ўқув ва махсус адабиётларни ўқиш жараёнида аниқ ва ҳаққоний ахборотга эътиборни қаратиш, асарнинг бош ғояси ва ундаги асосий фикрни аниқлаш, муаллифнинг асосий ва ёрдамчи фикрларини ажрата олиш, асардаги умумий фикрга эмас, балки аниқ фикрга диққатни қаратиш лозим. Керак пайтда бироз дам олиш, кўзни юмиб, кейин яна очиб яшил нарсага қараш керак. Нигоҳни бошқа нарсаларга қаратиш, ўқилган нарсаларни ўзлаштириш онгда қайта ишлаш имконини беради.

Китобхонлик маданиятининг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган ҳолатлардан бири ўқилганни эсда сақлаб қолиш, уни хотирада мустаҳкамлашдан иборатдир. Баъзи ўқувчилар ўқилганни эсда кам сақлаб қоладилар, кўпинча тез эсдан чиқарадилар ёки қисқа вақтга эслаб қоладилар, қийинчилик билан эсга оладилар. Мутахассисларнинг фикрича, хотирани машқ қилдириш, эсда сақлаб қолишни ўрганиш жуда осон. Хотирада сақлаб қолишнинг бир қатор турлари мавжуд: тезроқ ёки узоқ хотирада сақлаб қолиш, кўриш ёки эшитиш орқали хотирада сақлаб қолиш. Бунда ҳиссий ёки ҳаракатли, мантиқий ёки механик хотира муҳим аҳамиятга эга. Хотирада сақлашнинг ҳар қандай тури машқ ёрдамида мустаҳкамланади. Хотирада сақлашнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Бунда қандай матнни қайси китобхон хотирасида тез сақлаб қолишига алоҳида эътибор бериш зарур. Маълумки, ҳар бир одам бетакрор ҳодисадир. Унинг ўз диди, муаммоларга нисбатан ўзига хос ёндашуви мавжуд. Аммо ўқувчиларни бирлаштирувчи умумий жиҳатлар мавжудки, ўқитувчи ва кутубхоначи ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда мана шу омилга кўпроқ таяниши зарур. Одатда, ўқувчилар учун қизиқарли, ўз соҳасига тааллуқли, тушунарли, ўйлаб ёзилган, фойдалилик жиҳати кучли асар уларнинг хотирасида тез сақлаб қолинади. Айниқса, китобхон ўқиётган матнни бошқа асар ёки мақола билан қиёслаган ҳолда таҳлил қилса, унда китобхонлик маданияти самарали шаклланади. Айниқса, бир марта тушуниб ўқилган асар ўқувчининг

хотирасида тўла сақланиб қолади. Асарни қайтадан кўриб чиқиш ёки кўз югуртириб чиқиш ҳам уни ўқувчи хотирасида мустаҳкамлайди.

Ўқилган китобни хотирада мустаҳкамлаб олишнинг яна бир усули уни ёзиб боришдир. Ёзиб бориш, биринчидан, матнни тўла тушуниб етиш, иккинчидан, мустақил фикрлаш, учинчидан, ўқиладиган матнни хотирада мустаҳкамлаб бориш аввалги далиллар, фикрларни эслаб қолишга ёрдам беради. Энг муҳими, ўқилганларни ёзиб бориш натижасида китобхон матндан четга чиқиб кетмайди. Мактабларда амалга оширилган кузатишлар шунини кўрсатадики, кўпгина ўқувчилар нимани қандай қилиб ёзиб бориш йўллари ва шакллари билмайдилар. Маълумки, ёзиб боришнинг бир қанча турлари мавжуд: Кўчириб олиш, қисқа, режа асосида ёзиб бориш, асарнинг мазмунини ёзиб олиш.

Ўқиш техникасига эга бўлиш китобхонлик маданиятининг кўринишларидан биридир. У бир жиҳатдан ўқувчининг шахсий хусусиятларига боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан ўқитувчиларнинг ўқувчи лаёқатини ҳисобга олган ҳолда уларга индивидуал ёндашишларига боғлиқдир. Кўпгина ўқувчилар бир дақиқада 100-120 сўз ёки бир соатда 15-20 бет асарни ўқийдилар. Ўқиш техникаси ўқиш, кўриш, матн мазмунини яхлит қамраб олиш кўникмаларига ҳам боғлиқдир. Ўқиш техникасининг ўсиб бориши жараёнида бир йўла сўзлар гуруҳи, бутун бир фикр ўқилади. Ўқиш давомида миёна ахборот фақат кўриш орқали етиб боради.

Ўқиш техникасини ривожлантириш йўллари қуйидагилардан иборат: сўзларни гуруҳлаб қабул қила олиш, кўриш майдонини кенгайтириш, вертикал йўналиш бўйлаб ўқиш кўникмасини эгаллаш, сўзлар гуруҳини ўқиш, ўқиш жараёнида кераксиз ахборотни ташлаб кета билиш ёки унга диққат қилмаслик ва ҳоказолар.

Тез ўқишда дастлабки кўникма ҳосил этиш учун зарур адабиётни танлай билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун мавзуга оид асарлар орасидан ўқиш учун қулай ва зарур китобни танлашда кутубхона каталоги ва

картотекалари катта ёрдам беради. Шунингдек, турли мавзулардаги жанрли картотекалар эса ўқувчиларга адабиёт танлаш жараёнини осонлаштиради. Библиографик рўйхатлар, кўрсаткичлар ўқувчининг танланган мавзудан хабардорлигини кенгайтиради.

Китобхонлик маданиятини шакллантириш мактабда кутубхоначилиК-библиографик билимлар узлуксиз равишда ошириб борилганда, бу фаолият таълим-тарбия жараёнининг ажралмас бир қисми сифатида қаралганда, яъни мажбурий дарс сифатида ўтилгандагина ўз самарасини беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўқувчиларга кутубхонашунослиК-библиографик билим бериш муаммоси янгилик эмас. Бу масала бўйича бир қанча китоблар, илмий қўлланмалар, мақолалар ва тавсия кўрсаткичлари чоп этилган. Мактабда кутубхоначилиК-библиографик билимлар асослари бўйича ўқувчилар билан машғулотлар ўтказиш дастури ҳам мавжуд. Лекин бу тавсияномалар ва дастурлар рус тилида чоп этилган, уларнинг аксарияти Ўзбек тилига таржима қилинмаган ва ҳозирги замон мактаблари учун унчалиК тўғри келмайди. Шу билан бир қаторда бу дастурларни ўрганиш учун мактабда жами 41 соат ажратилиши 1-синфдан 8-синфгача ўқитилиши лозим. Ўз-ўзидан каълумки, бу машғулотлар узлуксиз ва изчил эмаслиги, мунтазам равишда ўтилмаслиги, машғулотлар асосан суҳбатлар, кутубхонага экскурсиялар шаклида ўтказилиши натижасида ўқитувчилар бу тадбирларга жиддий эътибор бермайдилар. Шунинг учун биз тадқиқотимизнинг муҳим натижаси сифатида мактабда библиографик билимлар бериш мазмунини ишлаб чиқдик.

Ушбу билимлар тизими ўзига хос тарзда белгиланиб, ўқувчида китобхонлик маданиятини шакллантиришга хизмат қилиши кўзда тутилди. Ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантириш тизимида мустақил ишларга алоҳида ўрин ажратилди. Айниқса, амалий машғулотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Машғулотлар мазмуни ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уч гуруҳ: I-IV, V-IX ҳамда X-XI синф ўқувчиларидан иборат этиб танланди.

Бошланғич I-IV синф ўқувчилари учун китобхонлик маданиятини шакллантириш учун ажратилган муайян мавзулардаги машғулотлар Кутубхоначи ва бошланғичсинф ўқитувчилари томонидан ҳамкорликда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу машғулотлар жараёнида ўқувчилар китоб ва унинг тузилиши, безатилиши ҳақидаги маълумотлар, мактаб кутубхонаси, кейинроқ эса болалар кутубхонаси билан таништирилади. Ўқувчилар дастлаб синф, сўнгра кутубхонада болалар учун chop этилган адабиётлар, кичик қомуслар, луғатлар, вақтли матбуот нашрлари билан босқичма-босқич таништириб борилади. Уларда китоб танлаш ва ўқиган Китоблари ҳақида ўз фикрларини баён қилиш бўйича дастлабки кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Кутубхоначилик-библиографик билим асослари V-IX синф ўқувчиларига кутубхонадаги ўқув ҳамда бадиий адабиётлар билан мустақил ишлаш бўйича машғулотларни оддийдан мураккабга қараб бориш тамойилига амал қилган ҳолда маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш орқали сингдириш мўлжалланган. ×унончи, китоб ҳақидаги ахборотлар дастлаб маълумотномалар, библиографик нашрлар билан таништириш, сўнгра китоб ва унинг муаллифлари, китобнинг ички мазмуни, китобнинг таркибий тузилиши ва ундан фойдаланиш йўллари ўргатилади. Сўнгра ижтимоий-сиёсий, фан-техника, санъатга оид бадиий, илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган вақтли матбуот нашрлари билан таништирувчи машғулотлар ўтказилади. Китобхонлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар китобнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи, нашр турлари, китобнинг таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар билан якунланади.

Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар кутубхонадаги каталоглар ва библиографик кўрсаткичларнинг аҳамияти, унинг маълумот-библиографик аппарати билан таништириш доирасида амалга оширилади. Ўқувчилар каталоглар ва

библиографик қўлланмалардаги ижтимоий-сиёсий, фан-техникага оид адабиётларнинг қандай акс эттирилиши билан таништирилади ва уларни излаб топиш усуллари ўргатилади. Мактаб кутубхоналарининг ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришдаги ўрни кутубхона тadbирлари, кутубхона турлари ҳақида ўқувчиларга маълумот беришдан иборат.

X-XI синф ўқувчилари билан эса адабиёт билан мустақил ишлаш кўникмалари ҳақидаги машғулотлар ташкил этилиб, уларга китоб ўқиш усуллари ҳақида тушунча бериш, ўқилган китоблар ҳақидаги фикрларни ёзиб бориш, адабиёт танлаш ва уни излаб топишда турли хил библиографик қўлланмалардан фойдаланиш ўргатилади. X-XI синф ўқувчилари учун кутубхоначилик-библиографик билим бериш машғулотлари уларда ўқув фанлари бўйича билимларини кенгайтириш, илмий тадқиқот усуллари билан таништириш, мустақил равишда маълум бир мавзулар бўйича ахборот йиғиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар, асосан нашр турлари: илмий-оммабоп, бадиий, вақтли, маълумотнома нашрлар, уларни бир-биридан фарқлаш ҳақида маълумот беришдан иборат бўлади.

Китобхонлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган машғулотларда ўқувчиларга кутубхоналар ҳақида, жумладан, вилоят, республика ва жаҳоннинг йирик кутубхоналари, республикамиздаги кутубхоналар таркиби, марказлашган кутубхоналар тизими ҳақида маълумотлар берилади. Машғулотларда ўқувчилар бу кутубхоналарнинг вазифалари ва имкониятлари, мамлакатимиздаги кутубхона ишлари ҳақидаги асосий қонун ва низомлар билан таништирилади.

Адабиётлар билан мустақил ишлаш машғулотларида эса газета ва журнал мақолалари картотекаси, ахборот-библиографик нашрлар ҳақида, давлат ҳисоб библиографияси ва илмий-ёрдамчи библиография ҳақида нашриётларнинг мавзулар бўйича режалари ва улардан фойдаланиш

усуллари бўйича маълумотлар берилади. Юқори синф ўқувчилари билан ўтказиладиган машғулотларда амалий машғулот турларининг зарурлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Шундай қилиб, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган имкониятлар ва шарт-шароитлар бизнингча, қуйидагилар билан белгиланади:

- ◆ машғулотларга зарур ҳажмдаги соатлар ажратилиши, уларнинг таълим жараёнида бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги таъминланиши ҳамда ўқув режаси таркибига киритилиши зарур;

- ◆ машғулотларни бошланғич синфларда-бошланғич синф ўқитувчиси, юқори синфларда эса “Махсус курс”ни тамомлаган олий маълумотли педагог ёки олий кутубхоначилик маълумотига эга бўлган кутубхоначи-педагог ўтиши мақсадга мувофиқ;

- ◆ ушбу курс бўйича машғулотлар ўтказадиган педагоглар ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари қошида ташкил этилиши зарур бўлган махсус “Ўқувчиларга кутубхоначилик-библиографик билим бериш асослари” курсини тамомлаган бўлишлари талаб этилади;

- ◆ ушбу курс бўйича олинган билимлар, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда синф ёки мактаб бўйича ўтказиладиган турли мусобақалар, китоб муҳокамалари, китобхонлар конференциялари каби оммавий тадбирлар орқали мустаҳкамланиши лозим.

ХУЛОСА

Ўқувчиларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳар қандай ривожланган жамиятда муҳим ижтимоий-педагогик, интеллектуал қимматга эга. Бу ўқувчи шахсининг маънавий-маданий қиёфасини ҳам шакллантириш сари йўл очади. Ўзбек халқининг маънавий бойликларини китоблар воситасида эгаллаш сари йўл очиш учун ўқувчиларда китобхонлик маданиятини қарор топтириш лозим. Жаҳон тамаддунининг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган китоблар ёш авлоднинг маънавий қиёфасини шакллантиради. Ёшлар олдига қўйилган юксак мақсадларнинг амалга ошиши кўп жиҳатдан уларнинг маънавий қиёфасини ифодалайди. Миллатнинг маънавий қиёфаси, маданий савиясининг юксалиши ёшларда китобхонлик маданиятини қарор топтиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Китобхонлик маданияти Ўзбек халқининг тарихий тажрибасида муҳим ўрин эгаллайди. Асрлар давомида бизнинг ота-боболаримиз, устоз мураббийлар ўз болаларининг китобхон бўлиши, китоб мутолаасига катта аҳамият бериб келган. Шарқ аёлларининг аксарият қисми хонадонларда Навоийхонлик, Фузулийхонлик, Бедилхонлик каби севимли машғулотлар билан шуғулланган. Китобхонлик маданияти мунтазам тарзда болаларнинг ижтимоий, ижодий, интеллектуал фаолиятини кенгайтиришга асос бўлган. Бугунги кунда ёшлар китобхонликдан бир қадар узоқлашмоқда. Китобнинг айрим функциялари компьютерлар ва бошқа ахборот воситалари зиммасига тушмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, китобхонлик бир томондан маданият бўлса, иккинчи томондан ҳеч нарса билан ўрин алмаштира

олмайдиган интеллектуал амалий кўникмадир. Бу кўникмани китобхонлик маданияти даражасида ривожлантириш бугунги кунда мактаб ҳамда кутубхона ҳамкорлигининг асосий мақсадини ташкил этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»да ўқув-билув жараёнини янги дарсликлар ва ўқув китоблари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки бугунги кунга келиб ўқувчининг маданий, маънавий эҳтиёжларини фақатгина дарслик воситасида қондириш мумкин эмас. Бунинг учун ягона тизимдаги ўқув адабиётлари зарур. Булар луғатлар, турли маълумотномалар, энциклопедиялар, бадиий адабиёт намуналари, монографиялар, илмий-оммабоп асарлар ва ҳоказо.

Бугунги авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда таълим тизимининг барча босқичлари, жумладан, умумий ўрта таълим тизими марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бинобарин, маънавий Баркамол ёшлар халқ ва жамиятнинг бебаҳо бойлиги бўлиб, уни асраб-авайлаш ва камол топтириш мактабда амалга оширилади. Бунда мактаб билан кутубхона ҳамкорлиги муҳимдир. Шунинг учун ҳукуматимиз барча болалар кутубхоналарини таълим тизимига бирлаштириш зарурлигини англаб етган ҳолда шундай тадбирни амалга оширди. Бу эса мактаб ҳамда кутубхоналар ҳамкорлигини таъминлашда марказий ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқармалари иш фаолиятида қулайликни вужудга келтиради. Шу мақсадда барча ахборот ресурс марказлари ўқув адабиётлари билан тўла таъминланади. Бунда ахборот ресурс марказлари мактаб ўқитувчиларига энг зарур китобларни топиш, уларни ўқувчиларга тавсия этиш, китоблар ҳақида ахборотномалар тайёрлашга кўмаклашади. Ўз навбатида мактаблар ҳам кутубхоналар билан яқиндан ҳамкорлик қила бошлайдилар. Улар болалар адабиётларининг янги намуналари, таълимий воситалар, ахборот манбалари ҳақида ўз вақтида маълумот олиш имкониятига эга бўладилар. Бу чора-тадбирларнинг барчаси мактаб ҳамда кутубхоналарнинг ўзаро

алоқадорликдаги фаолияти асосида ўқувчиларда юксак даражадаги китобхонлик маданиятини шакллантиришга қўмаклашади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантиришда фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари ҳамда кутубхоначи ҳамкорлигини таъминлаш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

2. Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишда мактаб ҳамда кутубхона ҳамкорлигини таъминлашнинг мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методларини ишлаб чиқиш бу соҳада муваффақиятни таъминлашда алоҳида педагогик аҳамият касб этади.

3. Ўзбек халқининг миллий анъаналари, қадриятлари, улкан халқ педагогикаси ҳамда бой тажрибасига суяниб дарсликлар, дастурлар, қўлланмаларни тарғиб этишнинг янгидан-янги механизмларини жорий этиш ниҳоятда зарурдир.

4. Хорижий мамлакатлар мактаб кутубхоналари иш тажрибасини ўрганиш, янги техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ҳамда ўқувчиларга кутубхона хизматини ташкил этиш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар кутубхоналари билан кенг қўламли, тизимли ва узлуксиз илмий алоқаларни йўлга қўйиш технологияларини яратиш зарурияти мавжуд.

5. Кутубхона ходимларини давлатлараро ҳамда минтақалараро ахборотлар алмашув соҳаларида юксак маҳорат ва касб малакаларига эга бўлишлари учун узлуксиз малака ошириш тизимини жорий этиш орқали ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёнини педагогик жиҳатдан таъминлашга эришиш.

Буларнинг барчаси қуйидаги илмий-амалий тавсияларни бериш заруриятини туъдирди:

- ўқувчиларга баланд овоз билан китоб ўқишни ўргатиш;

- ўқитувчи, кутубхоначилар ҳамда ота-оналар ўқувчилар билан китобни севиш, уни эъзозлаш ҳақида суҳбатлар ўтказишлари;

- яхши китобларни тарғиб қилиш имкониятига эга бўлган аудиовизуал воситаларга эга бўлиш: мультфильм, кинофильм, диафильм, иллюстратив альбомлар, бадийй откриткалар.

- ўқувчиларни библиографик каталоглар билан таништириш, бундай кутубхоналарга тез-тез саёҳатлар уюштириш;

- кутубхона дарслари, дарсдан ташқари бадийй ўқиш, бадийй кечалар, байрамлар, ўқув конференциялари, танловлар, мусобақалар ўтказиш;

- оилавий ҳамда синфда гуруҳ бўлиб китоб ўқишни ташкил этиш;

- адабий музейлар, тўгарак, китоб кўргазмалари, театрларга боришни ташкил этиш ва ҳоказолар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар.-Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - 31 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат: Ўзбекистон Респ.Олий кенгаши XI сесс.сўзлаган нутқи (1992 й. 8 ва 10 декабрь).-Т.: Ўзбекистон, 1992.-62 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.: Ўзбекистон, 1992.-78 б.
4. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик.-Т.: Ўзбекистон, 1993.-48 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1993. - 264 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. - Т.: Ўзбекистон, 1993. - 56 б.
7. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.- Т.: Ўзбекистон, 1994. - 160 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида.-Т.:Ўзбекистон, 1994.-48 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
10. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: ЎзР Олий Мажлиси IX сесс.сўзлаган нутқи. 1997 й.29 август. - Тошкент, 1997. - 62 б.
11. Абдукаримов Х., Давирова Г. Янгича педагогик технология нимани англатади? // Бошланғич таълим. - 1999. – 4-сон. 16-17-бетлар.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ..-Т.:Ўқитувчи, 1992.- 82 б.
13. Азимова Д. Марказий Осиё маърифий ривожига ҳудудий маданият омиллари // Бозор, пул ва кредит. - 1997. – 4-сон. 57-58-бетлар.

14. Алимов С. Кутубхоналарда ишлаш: (Синфдан ташқари ишлар) // Бошланғичтаълим.- 1993.- 11-12-сон. 7-8-сонлар.
15. Аликулов Х. Миллий мафкура ва ахлоқ // Мулоқот.-1994. – 7-сон. 8 бет.
16. Афанасьев В.Г. Системность и общество. М.: Политиздат, 1980. - 368 с.
17. Бадиий адабиётларни тарғиб қилишнинг оммавий усуллари: Метод. Тавсия /Тузувчи З. Бердиева.-Т.: Тошкент Давлат Маданият институти, 1985.-29 б.
18. Бадриев Ф. Мактаб Кутубхонаси ва унинг вазифалари //Совет мактаби. - 1985.-10-сон. 72-73-бетлар.
19. Баркамол авлод орзуси: “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалр. Т.: Шарқ, 1998. - 140 б.
20. Бекмуродов М. Социология асослари. Т.: Фан, 1994.- 173 б.
21. Белинский В.Г., Чернушевский Н.Г., Добролюбов Н.А. О детской литературе. М.: Дет.лит., 1983. - 430 с.
22. Библиотека и реформа общеобразовательной и профессиональной школ: методические рекомендации // Гос.Респ.Юнош. б-ка РФ М., 1984. – 13 с.
23. Библиотеку – школьнику: Сб. ст. / ГБЛ. М.: Книга, 1986. – 76 с.
24. Библиотечно-библиографические знания – школьникам. М.: книга, 1982. – 11 с.
25. Библиотековедение: вчера, сегодня, завтра: Сб.науч.тр. М.: МГУКИ, 1996. - 195 с.
26. Библиотерапия: задачи, подходы, методики: Сб. статей / Сост. О.Л.Кабачек. М.:БМЦ, 2001. - 128 с.
27. Болалар адабиётининг тавсифи ва системалаштирилиши /Тузувчилар: В.В.Садурская ва бошқ.-Т.:Ўқитувчи, 1990.-56 б.
28. Болалар китобхонлигини ўрганишнинг форма ва методлари /Тузувчи Э.Йўлдошев.-Т., 1992. - 13 б.

29. Бутенко И.А. Юный читатель и библиотека: (Чтение девочек и чтение мальчиков) // Книга. Исследования и материалы. М.: Книга, 1999. С. 53-64.
30. Вохрѹшева М.Г. Библиография в системе культуры. Самара, 1993.- 124 с.
31. Воронов Ю.П. Методы сбора информации в социологическом исследовании. М.: Статистика, 1974. – 159 с.
32. Вот так юбилей: (30 лет Респ.дет.б-ке) //Молодёжь Узбекистана. 1995. 10 февр.
33. Галикеев Э.Г. Роль научно-методического Совета по библиотечному делу при Министерстве просвещения РУЗ в осуществлении обхего методического руководства и координации работѹ библиотек.// Тез.докл. и сообщ. на Всесоюз.науч.-практич.конф. 17-19 ноября 1987 г. /Сост. Чулкина Г.В. 1987. – с. 6-7.
34. Ганзикова Г.С. Подготовка специалистов нового типа для детских и школьных библиотек в период информатизации общества // Детская библиотека: Проф. информ. журн. / Ассоц. дет.б-рей России. Н.Новгород, 2000. N 1925. С. 79-81.
35. Головин В.В. Детская библиотека: осмѹсление феномена в контексте подготовки специалистов. // Петербургская библиотечная школа. 1998. N 2. С. 28-32.
36. Голубева Е.И. Пути развития детской библиотеки // Библиотековедение. 1995. N 3. С. 10-15.
37. Горбань А.В. Перспективѹ и проблемы ведомственной централизации школ // Тез.докл. и сообщ. на Всесоюз.науч.-практич.конф. 17-19 ноября 1987 г. С.16-17.
38. Гуриевич С.А. Организация чтения учащихся старших классов: Из опыта работы. – М.: Просвещение, 1984. – 206 .

39. Давлатов С. Кутубхонага эътибор зарур. Ушбу маданий масканлар миллат маънавиятини акс эттиради. // Халқ сўзи.-2006.-26 январ.
40. Давлетшин М.Г. Ёш психологияси ва педагогик психология.- Т.: Ўқитувчи, 1984. - 162 б.
41. Дворкина М.Я. Библиотечное обслуживание: теоретический аспект: (Монография). - М.: МГИК, 1993.- 249 с.
42. Дети и подростки в мире книжной культуры: По итогам социол. исслед.: Сб. науч.тр. / РГБ; сост. А.И.Лебедева. М., 1993. - 128 с.
43. Детская библиотека: материалы Немецкого библиотечного института N7. / Науч. ред. Ястребова Е.М.. М.: Медиум, 1994.- 92 с.
44. Детская библиотека сегодня и завтра.М.: РГДБ, 1993.- 69 с.
45. Детская библиотека: Традиции. Духовность. Возрождение: Сб.ст.- метод. рекомендаций ведущих специалистов дет. б-к Ленинградской обл. Сост. Степанова Л.В. СПб, 1993. С. 102.
46. Добрўнина Н.Е. В мир книг до рождения: когда учить ребенка читать. // Книжное обозрение. 2000. N 16. С. 4.
47. Добрўнина Н.Е. По ступенькам культурў чтения // Библиотековедение. 2000. N 3. С. 52-57.
48. Добрўнина Н.Е., Лебедева А.И. Программа комплексного исследования читателей-детей и подростков.//Сов. библиотековедение. 1989. №5.С. 59-63.
49. Езова С.А. Библиотечное обхение. Улан-Удэ: Бурят кн. изд-во, 1990.- 60 с.
50. Езова С.А. О подготовке библиотекарей к общению с читателем // Библиотековедение. 1993. N. 4. С. 72-81.
51. Жонматова Х. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида.-Т.: Ўқитувчи, 1980.- 32 б.
52. Жукова Л.В., Фролова И.И. Реформа общеобразовательной школы и задачи библиотек //Актуальные вопросў библиотечной работы: Теория и практика: СПб., 1985. С. 21-34.

53. Жўраев Н. ва бошқ. Ватан туйғуси / Н.Жўраев, А.Ибрагимов, Х.Султонов. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -245 б.
54. Зиёев С.А., Розикова Ё.М. Ёшларнинг маънавий тарбиясида мактаб кутубхонасининг ўрни //Республика илмий педагогика кутубхонасининг 60 йиллиги (1934-1994 йиллар): Илмий-амалий анжуман тезислари.- Т., 1994. 33-34-бетлар.
55. Иванова Г.А. Вклад ученѣх МГУКИ в разработку проблем педагогики детского чтения // Педагогика детского и юношеского чтения: история, современное состояние, перспективѣ: Сб. науч. тр. М.:МГУКИ, 2001. С. 6-24.
56. Иванова Г.А., Чудинова В.П. Библиотечная работа с детьми за рубежом: Уч. пособие.- М.: МГУКИ, 1999. - 268 с.
57. Иммрот Б.Ф. Система образования библиотекарей для детских и юношеских библиотек // Библиотековедение и библиография за рубежом. 1991. № 129. С. 87-94.
58. Инструкция о создании и обновлении библиотечнѣх фондов, учебников, порядке их использования и мерах, обеспечивающих сохранность литературѣ: Приказ М-ва просвещения УзССР от 22.08.78 г. за №А-91. Ташкент: Б.И., 1978.-20 с.
59. Информатизация детских библиотек России. Ч.2./Сост. Михайлова А.И. М.: РГДБ, 2000.- 59 с.
60. Информационная работа школьной библиотеки: Метод.реком. /М-во просвещения БССР. РНПБ. Минск, 1989.-19 с.
61. Истиқлол ва маънавият (Мақолалар) //Мулоқот.- 1996.-6-сон. 12-14-бетлар.
- 62.Исломов Э., Йўлдошев Э. Мактаб Кутубхонаси ишини ташкил этиш.- Т.: Ўқитувчи, 1992.- 88 б.
63. Исломов Э.Г., Юлдашев И.Ю. Работа школьной библиотеки.- Ташкент, 1989.- 96 с.
64. Йўлдошев Ж.Таълимимиз истиқлоли йўлида.- Т.: Шарқ, 1996. - 224 б.

65. Йўлдошев Ж.Г. Ўзбекистон Республикаси таълими - тараққиёт йўлида. - Т.: Ўқитувчи, 1994.- 93 б.
- 66.Йўлдошев Э. Болалар китобхонлигини ўрганиш форма ва методлари.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. - 58 б.
67. Йўлдошев Э. Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш.- Т., 1983. - 448 б.
68. Йўлдошев Э. Кутубхона фондининг баъзи муаммолари //Гулистон.- 1994.- 4-сон. 19 бет.
69. Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш: Ўқув қўлланма. Тошкент, 1986.- 48 б.
70. Кабачек О.Л. Изучение читательского развития младших подростков // Сов. Библиотекосведение.-1990.№3. С. 29-36.
71. Касимова А.Г. История библиотечного дела в Узбекистане. Ташкент: Ўқитувчи, 1981.-176 с.
72. Краткий справочник школьного библиотекаря. СПб .: Профессия, 2001. - 352 с.
73. Китобсиз уй - қуёшсиз кун /Тўплам нашрга тайёрловчи М.Муродов.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. - 118 б.
74. Кодиров И. Очерки развития общеобразовательной школы Узбекистана. Ташкент: Ўқитувчи, 1974.-229 с.
75. Координация деятельности детских и школьных библиотек: (Из опыта работ детских и школьных библиотек Бухарской области). Бухара: Б.И. 1986.-12 с.
76. Левин В.А. Когда маленький школьник становится большим читателем. - М.: Лайда, 1994. - 180 с.
77. Левина О.И. В содружестве с учителями: (О совместной работе библиотеки и школы по воспитанию культуры чтения у школьников) //В помощь детским и школьным библиотекам. Сб. метод. и библиогр. материалов. 1980. С. 56-65.

78. Маврулов А. Маданий соғломлаштириш даври.-Т.,1992-110 б.
79. Мазурицкий А.М. Какие специалистў нужнў библиотекам? //Мир библиографии. - 1998.- № 1.- С. 52-53.
- 80.Маънавият дарслари: Ўрта мактабларнинг 10-11 синфлари учун мажмуа.- Т.: Ўқитувчи, 1994.- 208 б.
81. Маънавиятимизнинг ҳаётбахш қудрати.-Т.: Меҳнат, 1999.-175 б.
82. Маҳмудов М.Х. Задачи библиотек республики по обеспечению библиотечно-библиографических запросов учителей в условиях реформў общеобразовательной и профессиональной школў // Библиотековедение Узбекистана: Сб.статей по теории и практике библиотечного дела. Ташкент:1986. С.50-58.
83. Маҳкамов М. Мактаб кутубхонаси //Совет мактаби.- 1960. 10-сон. 77-80-бетлар.
84. Маҳмудов М.Х. Абдураззоқова Г.С. Мактаб кутубхонаси ва ўқитувчиларга кутубхона хизмати Кўрсатиш: Метод.тавсиянома.- Т., 1992. - 38 б.
85. Маҳмудов М.Х. Мактаб ўқитувчиларига кутубхона хизмати кўрсатиш: Метод.тавсиянома.- Т., 1989. 52 б.
- 86.Мелентьева Ю.П. Библиотека как институт социализации юношества. М.: Изд-во АСОПа Р, 2001. - 75 с.
87. Минимум библиотечной техники для школьнўх библиотек //Сборник приказов и инструктивно-метод. указаний М-ва просвещения УзССР. 1977. №8. С.5-21.
- 88.Михалева Т.И. Современная литература в подростковом чтении: Программа курса по вўбору. М.: МГУКИ, 2000. 18 с.
89. Морозов Р.Н. Опўт координации деятельности школьнўх и детских библиотек. // В помохь детским библиотекам. 1981.С. 69-74.

90. Народное образование в СССР. Общеобразовательная школа: Сб. документов 1917-1973 гг. /Сост.: А.А.Абакумов, Н.П.Кузин, Ф.И.Пузёрев, А.Ф.Литвинов.-М.: Педагогика, 1974.-559 с.
91. Народное образование, наука и культура в СССР.- Москва: Статистика, 1971.
92. Нишонова С. Маърифий меросимизда Баркамол инсон тарбияси //Халқ таълими.- 1997. 2-сон. 36-38-бетлар.
93. Нуржонов К. Мактаб кутубхонаси - тарбия ўчоғи //Совет мактаби.-1997. 9-сон. 78-79-бетлар.
94. О развертывании сети школьных библиотек и издание литературы для них: Пост.СНК СССР 1936 г. //Материалы к истории библиотечного дела в СССР (1917-1959 гг): Учеб.пособие.Л., 1960.С.124-125.
95. О создании и обновлении библиотечных фондов учебников, порядке их использования и мерах, обеспечивающих сохранность литературы/М-во просвещения УзССР.-Т.: Б.И., 1978. - 39 с.
96. О создании фондов научно-педагогической и методической литературы в школьных библиотеках //Библиотекарь.- 1957.-19.- С. 32.
97. Об организации научно-методического руководства библиотеками систем Министерства просвещения СССР от 17.07.79.-5 с.-(Ротопр)
98. Об улучшении библиотечного обслуживания учащихся общеобразовательных школ: Решение Гос.межведом.биб-чной комиссии при М-ве культуры СССР. 18 мая 1987 г. //Руководящие материалы по библиотечному делу: Справочник.-Кн.палата, 1988.С. 50-54.
99. Ортиқов Н. Миллий истиқлол - миллий маърифат таянчи //Халқ таълими. - 1997.- 1-сон. 78-82-бетлар.
100. Организация работы библиотек методкабинетов райгородно в помощь специалистам народного образования: Инструк.-метод. письмо/РНПБ УзССР.- Ташкент: Б.И., 1986.- 10 с.

101. Организация работъ школьной библиотеки : Метод.реком./РНПБ УзССР.- Ташкент: Б.И., 1983.- 38 с.
102. Основные направления развития библиотечного дела в Узбекской ССР на 1986-1990 гг. и на период до 2000 г./ГБ УзССР им.А.Навои.- Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1988.- 46 с.
103. Печать Узбекской ССР за 1918-1963 гг. Ташкент: Уздавнашр, 1965.- 61 с.
104. Печать Узбекской ССР. Ташкент: Уздавнашр, 1965.
105. Положение о библиотечном деле в СССР: Утв. Президиумом Верховного Совета СССР от 13/III.1984 г. М.: Юрид. изд. 1984.-12 с.
106. Полозова Т.Д., Полозова Т.А. Руководство чтением детей и юношества - педагогическое творчество. // Читатель и библиотека. Педагогика и психология чтения: Сб.ст. по материалам меж региональной науч. конф. Москва: МГУК, 1994. С. 25-35.
107. Полозова Т.Д. О состоянии и актуальных проблемах повышения качества подготовки кадров для работы с юными читателями //Вопросы совершенствования подготовки кадров для работы с юными читателями: Сб.науч.тр./МГИК. 1984. С. 3-21.
108. Полозова Т.Д. Руководить чтением - формировать личность //Сов.педагогика. 1985. '2. С. 57-63.
109. Потоцкая Л. Кто читают дети // Слово. 1990. '1. С.13-15.
110. Праздник книги: Метод. реком.- Ташкент: Б.И., 1984.-20 с.
111. Проблемы новаций в работе детских и юношеских библиотек России. - М.: РГДБ, 1998. - 50 с.
112. Раджабов С.Р. К истории советской школы в Узбекистане. - Ташкент: Учпедгиз, УзССР, 1957.-120 с.
- 113 Раджабов С.Р. К истории советской школы в Узбекистане. - Т.: Учпедгиз, УзССР, 1957.-120 с. Ражабов Н. Бола бошидан ... [“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг бажарилиши хусусида] // Мулоқот. 1999. 6-сон 30-34-бетлар.

114. Расулов М., Рўзибоева Н. кутубхоначилик-жўшқин куч // Иқтисод ва ҳисобот. - 1997. - 14. - Б. 78-79.
115. Реализация национальных целей образования через библиотечное обслуживание // Библиотекарь. 1993. 11-12. С. 41-43.
116. Республика илмий педагогика кутубхонаси, илмий-услубий бўлими архив материаллари.
117. Реформа школ и задачи библиотек: Метод. реком. Минск, 1986. - 56 с.
118. Розикова Ё. Мактаб кутубхонаси фондининг намунавий шаклини яратиш муаммолари // Истиқлол ва маънавият: Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-амалий Конф. тезислари тўплами. - 3-чиқиши. - Т., 1996. 57-59-бетлар.
119. Розикова Ё. Подготовка кадров для школьных библиотек в Узбекистане // Книга в развитии культуры народов Востока: История и современность: Тез. Всесоюз. Конф. Душанбе, 1990. С. 152.
120. Розикова Ё. Эзгулик туйғуси // Нафосат. 1993. 1. 3-б.
121. Рубакин Н.А. Этюды по психологии чтения // Русская школа. 1910. № 11. С. 172-175.
122. Руководство по библиотечному обслуживанию детей. / Пер. с англ. Ю.В. Просалковой. М.: РГБ, 1994. 36 с.
123. Руководство чтением детей и юношества: Программа курса для вўсш. уч. заведений культурў и искусств. Специальность 05.27.00. - "Библиотековедение и библиография". / Сост. Иванова Г.А., Полозова Т.Д. - М.: МГУКИ, 2001. 46 с.
124. Саидов А.С. Мустақил Ўзбекистоннинг ватанпарварлик мафкураси. - Т.: Ўзбекистон, 1993. 138 б.
125. Сборник приказов и инструктивно-методических указаний М-ва просвещения УзССР. 1977. 18. С. 2-4.
126. Садурская В.В. О роли детской библиотеки в формировании познавательных интересов подростков средствами справочной литературы

//Библиотеки Узбекистана: Сб.статей по теории и практике библиотечного дела.-Т.,1981. Вып.11. С.118-128.

127. Сафо Матжонов. Китоб ўқишни биласизми? Т.: Ўқитувчи, 1993.- 140 б.

128. Сетин Ф.И. Возникновение русской детской литературы: Дис.... д-ра филолог. наук. - М., 1978. - 450 с.

129. Столяров Ю.Н. Библиотека: Структурно-функциональный подход. М.: Книга, 1981. 255 с.

130. Творчество как основа деятельности детской библиотеки: Материалы Всеросс. науч.-практ. конференции. / Перм. обл.дет. б-ка им. Л.И.Кузьмина. - Пермь, 2001. 176 с.

131. Типовое положение о школьной библиотеки: Утв.7.У.75г.//Сборник приказов и инструктивно-метод. указаний УзССР.-1977. '8. С. 2 - 4.

132. Типовое положение о школьной библиотеке: Проект // Библиотекарь. 1988. '9. С.44-45.

133. Типовое положение о методическом кабинете районного, городского, окружного отдела (управления) народного образования: Утв.приказом М-ва просвещения СССР от 30 мая 1985 г.'99 //Б.лл. нормат.актов М-ва просвещения СССР. 1985. '9. С. 20 - 24.

134. Тихомирова И.И. Чтение детей - эмоциональный тренинг: Метод.пособие. / НГОДБ. - Н.Новгород, 1998. - 57 с.

135. Тубельская Г.Н. Воспитание Юных читателей с помощью телевизионных передач //Сов.библиотековедение. 1990. '4. С. 68-74.

136. Туропова М. ва бошқа. Мустақиллик, асрайман сени: Умумтаълим мактаблари, ўқитувчи, тарбиячи ва ота-оналар учун методик қўлланма. Т.: Адабиёт ва санъат, 1999. - 31 б.

137. Турсунов И., Норматов К.Х. Ўзбекистон: истиқлолнинг беш йиллиги. Т.: Ўқитувчи, 1995. - 145 б.

138. Фантастик асарлар ва болалар китобхоналиги. Т., 1987.-61 б.

139. Филолог-библиограф детской литературы: Учебно-метод. материалы. - СПб: СПбГУКИ, 2000.- 32 с.
140. Фонотов Г.П. Таков он, библиотекарь. М.: Либерия, 1997.- 174 с.
141. Ханнесдоттир С.К. Школьные библиотекари: квалификационнѳе требования к профессии. // Школьные библиотеки. М.: Рудомино, 1997. С. 33-64.
142. Хўжамуродов И. Истиқлол ва маънавият: ижтимоий онг, дунёқараш. Ёшлар. // Ёшлик. 1999. 4-сон. 1-2-бетлар.
143. Цыба В.Т. Математико-статические основы социологических исследований. Финансы и статистиКа, 1981.- 225 с.
144. человек и его работа: Социал. исследования. М.: Мысль, 1967.- 392 с.
145. читатели 10-11 лет. читатели 12-13 лет.читатели 14 лет //Библиотека и юный читатель: Практ. пособие. М.: Кн. палата, 1987. С. 39-46.
146. Шайхова Х.А., Назаров К.Н. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий Камолот.-Ташкент: Ўзбекистон, 1992.
147. Шарипов Ф. Народное образование в Узбекистане. Ташкент: Узбекистан, 1977.- 116 с.
148. Школьная библиотеКа: Сб.статей/ Ред.-сост. Бурмистрова С.П.-М.: Книга, 1964.- 76 с.
149. Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. - Т.: Маънавият, 1999. - 38 б.
150. Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиш тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1998. - 79 б.
151. Юный читатель и библиотека: (Проблемы педагогики и психологии чтения): Сб.науч.ст. - М., 1991. - 189 с.
- 152.Ястребцева Е.Н. Школьный библиотечный медиационтер: от идеи до воплощения: Метод. рек. для библиотекарей, учителей и администрации школ. М.: БМУ, 2002. - 128 с.
- 153.ЎЗР МДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 1797 - иш.
- 154.Ўша ерда, 2233 - иш.

155. ЎзР МДА. 412-фонд, 1-рўйхат, 3 - иш.
156. ЎзР МДА. 2437-фонд, 3-рўйхат, 9-иш.
157. Ўша ерда. 606 - иш.
158. Ўша ерда. 753 - иш.
159. ЎзР МДА. 2544-фонд, 1-рўйхат, 1421 - иш.
160. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси.- Т.: Ўзбекистон, 1993. - 30 б.
161. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд.-Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003.-704 б.
162. Ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда мактаб кутубхонаси ишини такомиллаштиришнинг форма ва методлари: Метод.тавсиялар /Тузувчилар: М.А.Иноёмова, О.Мусурмонова.- Тошкент, 1982.-31 б.
163. Қаландарова Г. Кутубхона-иккинчи уй // Гулистон. 1999. – 3-сон. 35-бет.
164. Қодиров Б., Эргашев К. Комил инсонни тарбиялаш - истиқлол тамойилларининг бош вазифаси // Халқ таълими.-1995.- 5-6-сон. 59-61-бетлар.
165. Қодиров Э.К. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг ривожланиш тарихи (1917-1975).- Т.: Ўқитувчи, 1979.-392 б.
166. Қолдибекова А., Хўжаев Б. Болаларни китоб ўқишга қизиқтириш. Мактублар, мактублар, мактублар. // Тил ва адабиёт таълими. 2004. 5-сон. 92-94-бетлар.
167. Қорабоев У. ХХІ аср - маданият асри // Мулоқот. 1999. 6-сон. 15-17-бетлар.
168. Ўзиев Э. Тафаккур психологияси.- Т.: Ўқитувчи, 1990.- 63 б.
169. Ўофуров А. Таълим ва ислохот [Миллий дастур амалда] // Хўжалик ва ҳуқуқ. - 1999.- 7-сон. 43-46-бетлар.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 4

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИТОБХОНИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МАКТАБ ҲАМДА КУТУБХОНА ҲАМКОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ
АСОСЛАРИ 11**

**ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МАКТАБ ҲАМДА КУТУБХОНА ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ 71.**

ХУЛОСА 98

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. 102.